

ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ — ЭКСПОРТ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Экспортни кенгайтириш имкониятлари жойларда ҳам кўп. Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил январь-февраль ойларида Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларига ташрифлари чоғида ушбу ҳудудларда тўлиқ фойдаланилмаётган экспорт резервлари аниқланди. Жумладан, Сурхондарё вилоятида 95 миллион, Қашқадарёда 62 миллион, Бухорода 68 миллион долларлик қўшимча манбалар юзга чиқди. Бошқа вилоятларда ҳам катта экспорт салоҳияти бор, албатта.

Шу боис Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Таъқиқ савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тармоқлар ва ҳудудларда экспорт ҳажмини ошириш бўйича қўшимча резервларни аниқлаш ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш бўйича топшириқ берилди.

Экспорт ҳажмини кўпайтириш юзасидан мавжуд резервларни ишга солиш бўйича муҳим йўналишлар белгиланди. Жумладан, "Ўзтўқимчилик-

саноат" уюшмаси ва вилоят ҳокимликларига экспорт режасини ҳар бир корхона, янги қувватлар бўйича ойма-ой бажариш юзасидан "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бунда 2018 йилга тасдиқланган инвестиция лойиҳалари доирасида назарда тутилган янги ишлаб чиқариш қувватларини мuddатидан олдин ишга тушириш ва лойиҳа қувватига чиқиш, янги бозорларни эгаллаш ва хорижий харидорлар билан шартномалар тузиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Энг катта салоҳиятга эга соҳалардан яна бири — туризмда туршумни кўпайтириш, туристлар борадиган барча объектларга турникет орқали ва тўлов асосида кириш тизимини жорий қилиш кераклиги таъкидланди.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг режадаги экспорт ҳажмини сезиларли даражада ошириш, 2018 йил экспорт дастури лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ўтган йилга нисбатан 2 баробарга ошириш белгиланган. Бунинг учун ҳудудларда август пиёзи, саримсоқпиёз, тўқсонбости экинлар ҳосилини ўз вақтида

ва тўлиқ йиғиб олиш, уларни хорижга сотишни ташкил этиш зарур. Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ҳудудларнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, пахта ва ғалладан бўшайдиган қўшимча 150 минг гектар ерга сердаромад экинлар экиш, йирик экспортчи ташкилотларга қўшимча экин майдонлари ажратиш, замонавий иссиқхоналар, музлаткичи омборхоналар ва қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш керак.

Шу муносабат билан Бош вазир ўринбосарлари ва ҳокимликларга барча ҳудудларда тасдиқланган 2018 йилда мева-сабзавот, полиз, узум ва дук-какли маҳсулотлар етиштириш кўпайтириш, қайта ишлаш, экспорт ҳажмларини ошириш ва ички истеъмолни таъминлаш, озиқ-овқат лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурларини тўла ижро этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Товарларни сақлаш, экспортга тайёрлаш ва ташини бўйича комплекс хизматлар кўрсатувчи замонавий логистика марказлари ташкил этиш бўйича аниқ зарурлиги қайд этилди.

Маҳсулотларни хорижга электрон савдо майдончалари орқали сотиш бўйича ҳам замонавий механизмлар жорий этиш зарур.

Шу боис Жанубий Корея билан ҳамкорликда 2019 йил 1 январдан бошлаб, хорижий харидорларга маҳаллий экспортчи корхоналарнинг товарларини сотиб олиш имкониятини берадиган Ўзбекистон миллий савдо электрон майдончасини ишга тушириш бўйича топшириқ берилди.

Мамлакатимизда қандай экспортчи корхоналар борлиги ва уларнинг қандай товарлар ишлаб чиқариши тўғрисида хорижий компаниялар ҳам, маҳаллий корхона ва давлат идоралари ҳам ахборот оладиган тўлиқ манба йўқлигига эътибор қаратилди. Шу боис ҳар бир экспортчи корхона тўғрисидаги электрон ахборотлар базасини шакллантириш, уларнинг маҳсулотлари, маркетинг тадқиқотлари, экспорт ҳажми каби маълумотларни ўз ичига олувчи электрон паспортни жорий этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингилди ва муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, экспортчи корхоналар ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА

Маҳаллий Кенгашларда

ЎРГАНИШ ЯКУНЛАРИ СЕССИЯДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Масалан, Нодир Мухторов иштирокида Короскон шаҳарчасидаги хонадонларда ўтказилган мулоқотлар натижасида Мафтун кўчаси 28-уйда яшовчи, бош миёга қон куюлиш касаллиги билан ётиб қолган Абдували Усмонов, Р.Ортиқов кўчаси 38-уйда истиқомат қилаётган 1-гурӯх ногирони Равзахон Аълоевага туман прокуратураси ҳомийлигида ногиронлик аравачаси олиб берилди.

Навбахор кўчаси 14-уйда яшовчи Ерқинди Исмоилова сўхбатда турмуш ўртоғи Тўхтасин Иномовнинг иккала буйрағи ҳам ишламаслиги, уни операция қилиш зарурлигини билдирди.

Беморнинг айна пайтадаги ҳолати туман тиббиёт бирлашмаси мутахассислари томонидан ўрганилди. Сурункали гломерулонефрит хасталигига чалинган 1-гурӯх ногирони Т.Иномовда ҳақиқатан ҳам буйрак кўчириб ўтказиш амалиётига зарурат борлиги аниқланди. Бемор вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси кўмағида академик В.Воҳидов номдаги республика хирургия марказига текшириш учун имтиёзли ордер билан таъминланди. Бундан ташқари, вилоятдаги даволаш-профилактика муассасаларидан тажрибали 12 шифокор жалб этилиб, ногиронлиги бор ва уйда ётиб қолган беморлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Тумандаги "Тинчлик", "Ора-ариқ", "Дамарик", "Ўзбекистон", "Сарқор", "Наврўз", "Алихон" ва Алишер Навоий номдаги маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи кам таъминланган, пенсионер ва ногиронлиги бўлган 12 кишига вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан "Чортоқ", "Олтиариқ", "Товоқсой" каби сўхатгоҳларга бепул йўлнамалар берилишига кўмаклашилди.

Депутат Шухрат Тўхтабоевнинг ўрганишлари натижасида Гулшан маҳалласи ҳудудида электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида битта трансформатор ва 30 га яқин симёғоч, "Гулдиоров" маҳалла фуқаролар йиғинида эса 5 симёғоч ўрнатилди. Мазкур маҳалла фуқаролари билан бўлиб ўтган мулоқотда ҳудудда мактабга таълим муассасасига эҳтиёж борлиги аниқланди. Парламент аъзоси ушбу масала туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қаратилган "Йўл харитаси"га киритилганлиги, жорий йил якунига қадар қурилиш ишлари бошланишини маълум қилди.

Сессияда айтиб ўтилганидек, ўрганишлар якуни туманда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар талай эканлигини кўрсатди.

Жумладан, ҳудудда 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари сони 1 минг 39 та бўлиб, шундан 508 таси турли сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган. Бундан ташқари, имтиёзли кредит ажратиш орқали аҳолини кичик тадбиркорликка жалб этишда аксарият фуқаролар насли қорамолларни сотиб олиш, иссиқхоналар қуриш учун материалларни пул кўчириш орқали харид қилишда муаммоларга йўлқўмақда.

Бугунги кунда туманда субвенция улуши жуда баланд — 61 фоиз. Бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан атиги 3 фоизга камайtirилган. Иш жойларини кўпайтириш, тадбиркорлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратиш, ишбилармонликка ҳалал бераётган тўсиқларни олиб ташлаш, истиқболли йирик лойиҳалар устида изланиш орқали юқоридаги муаммоларга ечим топиш мумкинлиги билдирилди.

Сессияда йўллардан фойдаланиш ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларини бажариш, ичимлик суви таъминотидаги муаммоларни бартараф этиш каби масалалар кенг муҳокама этилди. "Чортоқ деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган ишларга қарамай, бозор атрофининг тозаллиги талабга мувофиқ жавоб бермаслиги, бозордан ташқарида, яъни белгиланмаган жойда савдо қилиш ҳолатлари учраётгани танқидий таҳлил қилинди.

Шунингдек, туманда тиббиёт соҳасидаги мавжуд камчилик ва муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Қайд этилганидек, бугун туман аҳолиси тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлардан, соғлиқни сақлаш муассасаларининг айна кундаги фаолиятдан қониқиш ҳосил қилмаётгани. Аниққса, қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктлари ҳолати, моддий-техник базаси талаб даражасида эмас. Ўрганиш давомида соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар тақчиллиги билан боғлиқ муаммолар ҳам борлиги аниқланди. Қишлоқ врачлик пунктларида асосан умумий амалиёт шифокорлари етишмайди. Умуман, ҳозирги вақтда тиббиёт муассасаларида 21 нафар тор доирадаги мутахассисга, 8 нафар умумий амалиёт шифокорига эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2017 йил 24 февралдаги қарорига асосан, тегишли ҳудудга хизмат кўрсатаётган оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари мудирларининг ўзини ўзи бошқариш органлари қўшма йиғилишларида ҳар 15 кунда ахборотини эшитиб бориш белгиланган бўлса-да, бундай тизим туманда ҳали тўлақонли бажарилаётгани йўқ.

Сессияда ўрганиш давомида аниқланган камчиликларга барҳам бериш юзасидан халқ депутатлари туман Кенгашининг Бюджет масалалари доимий комиссияси раиси, ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Абдусамат Тожиев, туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича ҳамда саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосарлари ахборот берди.

— Парламент аъзоларининг ўрганишлари туманимизда анчадан буён йиғилиб қолган муаммоларга ечим топишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди халқ депутатлари Чортоқ тумани Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Абдусамат Тожиев. — Партияимизнинг қуйи палатадаги фракцияси аъзолари тумандаги қатор таълим-тарбия масканларида ҳам бўлиб, мавжуд ҳолатни ўрганди. Худудимиздаги аксарият касб-хўнажар қўлчиларнинг ахборот ресурс марказларида бадий адабиётлар етишмайди. Ёш авлодни жисмонан соғлом ва руҳан тетик қилиб ўстириш, ўқувчиларни чуқур билан олишлари ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун айрим умумтаълим мактабларида шарт-шароитлар етарли даражада эмас. Хусусан, тумандаги 54 мактабнинг 8 тасида спорт заллари йўқлиги сабабли ўқувчиларга жисмоний тарбия машғулотлари талаб даражасида ўйилмаяпти. Айрим умумтаълим мактабларининг биноси эса таъминталаб ҳолатда, 10-синф ўқувчиларига дарсликлар етиб келмаган. Бундан ташқари, тумандаги 52 та маҳалла фуқаролар йиғинидан атиги 2 тасида стадион мавжуд, холос. Қолганларида на стадион бор, на бошқа турдаги спорт иншоотлари. "Ҳазратишо", "Пешқўрғон", "Короскон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларида спорт мажмуалари қурилишига катта эҳтиёж мавжуд. Бу каби масалалар сессияда қизгин муҳокама этилиб, уларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши эътиборга молик. Бу жараёнда, албатта, биз маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам ўз вазифаларимиздан самарали фойдаланиб, фаол иштирок этишимиз лозим.

Сессияда қўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилиниб, мутасаддиларга тегишли вазифалар юклатилди. Халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратилиши инсон манфаати ҳар нарсадан устун эканлиги, унинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланаётганидан далолат беради. Зеро, халқимиз ўз ҳаётини рози бўлса, юртимиз тинч-осойишта, янада фаровон бўлади.

Оқилхон ДАДАБОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Муносабат

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Қарорда кўзда тутилганидек, ушбу айём руҳини, нафасини ўзида мужассам этган оммавий сайиллар ташкил этилиб, бунга фольклор-этнографик гуруҳлари ва ансамбллар,

истиқлол шарофати билан қайта тиклангани кенг тарғиб этилади, халқимиз ҳаётидаги ўрни, фарзандлар келажаги йўлидаги аҳамияти ҳаётий мисоллар асосида таҳлил қилинади. Бу эса Янги

МИЛЛИЙ ҚИЁФАМИЗНИНГ МАНГУ ТИМСОЛИ

таниқли санъаткорлар, хонанда-ю созандалар, бахшилар, аскиячи ва қизиқчилар, дорбозлар, ёш ижроичилар кенг жалб қилинади. Бу байрамнинг асл миллий қиёфасини намоён этишда, халқимизнинг ўзига хос урф-одатларини яна бир қарра кўз-кўз қилишда муҳим омил саналади. Сайилларда кўнгиллар покланиб, руҳ тиклашади, маънавий озуқа олинади. Халқ сайли шаклида ўтатилган айём кунларида, албатта, Наврўз таоми — сумалак тайёрланиб, барчага қувонч улашади. Сумалак — баҳорнинг шифобахш, тансиқ ва шоҳ таоми, кўклам даракчиси. Уни тайёрлаш жараёнида кўпгаб қадимий урф-одатларимиз, миллий ўйин ва томошаларимиз ёрқин намоён бўлади. Миллий халқ ўйинлари ўзига хослиги, миллийлиги, халқоналиги, ҳаммани бирлаштира олиши билан Наврўз сайилларига ўзгача руҳ ва кайфият улашади. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий кураш, кўпқари, арқон тортиш каби халқ ўйинлари фарзандларимизни жасурликка, мардликка, сабр-матонатга, руҳан тетикликка чорлайди.

Давлатимиз раҳбари қарорига мувофиқ таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилиб, Наврўз байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари, ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва сўхбатлар, ижодий кечалар ўтказилади. Бундай мулоқот ва ижодий кечаларда, албатта, ушбу қутлуг айёмнинг тарихи, ўтмишдаги кечинмалар, бизгача қай ҳолатда етиб келгани-ю

НАВРЎЗ — МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

Наврўз — янги кун демек. Бу кунда олам ва одам қалби янгиланади, эзгулик ва бунёдкорлик руҳи эсш уради. Кун билан тун тенглашади, моҳиятан қалблардаги туйғулар бирлашади, гина-қудуратлар унут бўлади, ўзаро меҳр-оқибат улашади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёгарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида Наврўз шодиёналарини миллий қадриятлар ва давр нафаси билан йўғрилган кўтаринки руҳда ўтказиш учун жойларда эзгу ишлар бошлаб юборилди. Зеро, она табиятни севиш ва ардоқлаш, ҳаёт гултожи бўлмиш инсонни қадрлаш, Ватанга муҳаббат ва садоқат каби эзгу ғояларни ўзида мужассам этган Наврўз халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрамидир.

Ҳар йили улуғ айём арафасида маҳалламиз аҳли ҳамжиҳатликда сумалак сайлини нишонлашди. Ўзимиз ҳам яқин ўтмишда бу байрамга отилган қанчадан-қанча тошлар, тазйиқларни кўрганмиз. Уша пайтларда Наврўз бугунгидек умумхалқ байрами сифатида нишонланишини ҳатто хаёлга ҳам келтириб бўлмаган. Ҳа, фақат мустақиллик туфайли асл миллий байрамимиз аслига қайти, халқимиз қалбидан янада чуқур жой олди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига кўра, бу йилги Наврўз тантаналари халқ сайиллари кўринишида юртимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларида "Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!", деган ғояни ўзида мужассам этган ҳолда, юқори савияда нишонланади. Шунингдек, Наврўз муносабати билан инсон ўзини табиат фарзанди, унинг ажралмас бир қисми деб ҳис этишини ифода этадиган, атроф-муҳитни, она заминини асраб-авайлашга, бугунги тинч, эркин ва фаровон ҳаётни қадрлаб, уни ҳимоя қилиб яшашга чорлайдиган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ҳам назарда тутилган.

Қарорда барча шаҳару қишлоқларда бўлиб

куннинг, айниқса, ёшлар ўртасидаги мақомини оширишга, уларнинг миллий қадриятларимизга нисбатан фахр-ифтихор туйғуси билан улғайишига хизмат қилади.

Қарорда Меҳрибонлик, Саховат, Муруват уйлари, кам таъминланган оилалар ва ногирон шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш вазифалари ўз аксини топгани Наврўз фалсафасига хос саховатпешалик ҳислатларини янада бойитади, юртдошларимиз ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада мустақамлашга хизмат қилади, файзу баракани оширади.

Бир сўз билан айтганда, неча минг йиллик миллий қиёфасини, урф-одатларимизнинг мангу ифодаси бўлган Наврўзни кенг нишонлаш барчамизга шодлик-бахт, омад, келажакка умид-ишонч бахш этади. Шундай экан, бу айёмни Президентимиз қарорига кўзда тутилганидек кўтаринки руҳда нишонлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Бу, айниқса, миллий урф-одат ва қадриятларни тараннум этишни, ёш авлодни миллий ўзига хослик руҳида тарбиялашга кўмаклашишни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди, жойлардаги тарғибот ишлари, халқ сайиллари намунали ўтказилишида ташаббускор бўлишни тақозо этади.

Козим ТОЖИЕВ,
ЎзМТДП фракцияси
аъзоси



Тўрамурод РАҲМОНОВ,
ЎзМТДП Олтинсой
туман кенгаши раиси



Депутатлик назорати

МУЛОҚОТ – МУАММОЛАР ЕЧИМИДА ЕТАКЧИ ОМИЛ БЎЛМОҚДА

ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУДУДЛАРДАГИ ЎРГАНИШЛАРИ САМАРАЛИ КЕЧДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Масалаларга жойида ечим топилди

Андижон вилоятининг Олтинкўл туманида бўлган депутатлар Абдурашид Тўхтабоев, Акмал Жумабоев ҳудуддаги қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида одамлар билан мулоқот қилди, йиғилиб қолган муаммолар ечимини топишда ташаббус кўрсатди. Жумладан, Абдурашид Тўхтабоев "Хондибоғи", "Қайирма", "Темирхўжа", "Ҳасан-Хусан" ва "Маданий меҳнат" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудуддаги 50 дан ортиқ хонадон, 14 ижтимоий соҳа ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларида бўлиб, мавжуд ҳолатни яқиндан ўрганди.

"Хондибоғи" ва "Қайирма" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ўрганишлар давомида аҳоли ҳудуддаги ички йўллари таъмирлаш борасида амалий кўмак сўраб мурожаат қилди. Депутат мазкур масала бўйича туман ҳокимлиги ва Олтинкўл автомобиль йўллари туман бўлими билан боғланди. Натияжада ушбу ҳудудлардаги йўллarda бирламчи жорий таъмирлаш ишлари бошланди.

"Хондибоғи" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги 47-оилавий поликлиника фаолияти ўрганилганда, хирург, акушер-гинеколог, уролог мутахассислари етишмаслиги аниқланди. Ушбу масала туман тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда ҳал этилиб, ҳудуддаги марказий шифохона ва поликлиника мутахассислари ҳисобидан 0,5 ставка ўриндошлик асосида юқоридаги мутахассислар жорий этилди. Тиш шифокори хонасини талаб даражасига келтириш, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласи туман тиббиёт бирлашмаси зиммасига юклатилди.

"Хондибоғи" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан юзма-юз мулоқотларда одамларни ўйлантираётган кўплаб масалаларга ечим топилди. Масалан, Ҳақиқат кўчаси 66-уйда яшовчи Саддихон Дадажоновнинг пенсияга чиқиш борасида дуч келаётган муаммолари ҳам депутат савий-ҳаракати билан жойида ҳал этилди. Бу масала билан туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси шуғулланган бўлди.

— Халқ билан мулоқот қилиш тизими самарали йўлга қўйилгани одамлар турмуш ҳаётида йиғилиб қолган оддий муаммоларни ҳам ҳал этишда муҳим омил бўлаётди, — дейди Ҳақиқат кўчаси 85-уйда яшовчи фуқаро Жаҳонгир Эгамбердиев. — Бугун ўзимиз сайлаган халқ вакиллари хонадонимизга келиб, муаммоларимиз, анчадан буён ечилмай келаётган масалаларимиз билан қизиққани кўнгилимизни тоғдай кўтарди. Келинларим Марҳабо Эгамбердиева немис тили, Гўзалой Эгамбердиева эса бошланғич таълим ўқитувчиси — ёш авлод камолотига ҳисса қўшадиган касб эгалари. Аммо уларни ишга жойлаштиришга қийналиб келаётган эдик. ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев билан мулоқотда ушбу масалада кўмак сўраганим, муаммомиз ҳал бўлди. Депутат бу борада туман халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан боғланиб, келинларимнинг таълим масканларига ишга жойлашишига кўмаклашди. Энди улар ўзлари танлаган касбда меҳнат қилиб, ҳам ўғил-қизларимиз таълим-тарбиясига, ҳам оилавий бюджетимизга ҳисса қўшади.

Мулоқотлар чоғида Хондибоғидаги 6-умумтаълим мактабининг иситиш тизими, шунингдек, 12-мактабгача таълим муассасасининг ошхонаси талабга жавоб бермаслиги маълум бўлди. Депутат мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича туман ҳокимлиги, халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига мурожаат қилди. Натияжада мавжуд имкониятлар ишга солиниб, мактабни тўла иситиш йўлга қўйилди. "Майсадур" фермер хўжалиги раҳбари К.Мирзаев ҳомийлиги асосида 12-МТМга янги ошхона қурилиб, зарур анжомлар билан таъминланадиган бўлди.

Тумандаги таълим муассасаларининг фаолияти ҳам яқиндан ўрганилди. Ўрганишлар да-

вомида 6, 10, 13, 14, 32, 42 ва 51-умумтаълим мактабларида алоҳида компьютер хонасини ташкил этиш ва компьютер жамланмалари билан таъминлаш юзасидан мурожаат бўлди. Бу масала бўйича Халқ таълими вазирлиги депутатлик сўрови юборилиши белгилан олди.

Парламент аъзосининг "Қайирма" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги ўрганишлари ҳам самарали бўлди. Маҳалладаги Қайирма кўчаси 4-уйда истиқомат қилувчи оила фарзанди Азизбек Муҳиддинов 1-гуруҳ ногирони экан. У айна пайта 7-умумтаълим мактаби қошидаги уй мактабининг 4-синф ўқувчиси. Азизбек билан суҳбатлашилганда, унинг теран фикрлаши, билими, айниқса, математика ва информатикага қизиқиши маълум бўлди. Шунинг билан депутат бошчилигидаги ишчи гуруҳи ҳомийлик асосида унга планишет совға қилди, ногиронлик аравчаси берилди.

"Қайирма" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги мактабгача таълим муассасаси мавжуд эмас. Бу табиийки ҳудуддаги болаларни мактабга тайёрлаш сифатида таъсир кўрсатади. Аҳолининг бу борадаги мурожаати туман ҳокимлиги ва туман мактабгача таълим муассасалари бўлими томонидан ўрганилиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурга киритишга келишиб олди.

"Ҳасан-Хусан" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Шодлик кўчаси 25-уйда яшовчи Сабоҳат Раззоқовнинг 2007 йилда туғилган қизи Дилноза Абдусаломова 2-гуруҳ ногирони — мустақил юра олмайди. Хонадон эгалари қизини бир неча бор шифохонада даволатган, бироқ ҳалигача аниқ ва тўғри ташхис қўйилмаган. Сабоҳат Раззоқова бу борада депутатга мурожаат қилиб, малакали тиббий мутахассислар томонидан даволанишга ёрдам сўради. Халқ вакилининг савий-ҳаракати билан бемор туман тиббиёт бирлашмаси мутахассислари ҳамроҳлигида Андижон вилояти кўп тармоқли болалар клиник шифохонасига даволаниш учун жойлаштирилди.

Тумандаги ўрганишлар давомида 47-оилавий поликлиника, "Маданий меҳнат" қишлоқ врачлик пункти бинолари таъмирталаблиги ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлари етишмаслиги аниқланди. Депутат ушбу масала бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги депутатлик сўрови юборилиши билдирди.

Очик мулоқотлар ўз самарасини беради

ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Назир Собиров Ғиждувон туманининг "Сарвари", "Тавариён", "Зарангари", Абдулла Қаҳҳор ҳамда "Қўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, аҳоли вакиллари билан очик мулоқотлар ўтказди, партия вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" вакиллари иштирокида "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида учрашувлар бўлиб ўтди.

Тумандаги 54-мактабгача таълим муассасасида бўлган депутат муассасанинг дори-дармон воситалари билан тўлиқ таъминланмаганлигига гувоҳ бўлди. Парламент аъзоси ушбу масала бўйича туман мактабгача таълим муассасалари бўлими билан боғланиб, тегишли чоралар кўрилишига келишиб олди. 100 бола тарбияланаётган 13-мактабгача таълим муассасаси 2016 йилда капитал таъмирланган бўлса-да, унинг ошхонасида ўрнатилган электр печи талабга жавоб бермайди, канализация тизими йўқ. Ушбу камчиликлар сабаб овқат ҳовлида — ўчоқда тайёрланмоқда. Депутат шу куннинг ўзида туман электр тармоқлари корхонаси ва молия бўлими билан боғланиб, масалани ижобий ҳал этди.

Учрашувлар давомида "Сарвари" маҳалла фуқаролар йиғини фуқароси Ш.Бозоров ва А.Усмонова ҳудудда тоза ичимлик суви йўқлиги, йўллари таъмирлаш зарурлиги каби долзарб масалалар юзасидан депутатга мурожаат қилди. Муаммони ўрганиб чиққан халқ вакили

тегишли чоралар кўриш бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан келишиб олди.

"Тавариён" маҳалла фуқаролар йиғини фуқаролари Соҳида Иззатуллаева, Майсара Салоҳиддинова, Майсара Ҳайитова, Нилуфар Ражабова депутатга мазкур ҳудуддаги шаҳар марказигача бўлган масофада йўловчи транспорт йўлга қўйилишини сўраб мурожаат этди. Депутат савий-ҳаракати билан туман ҳокимлиги томонидан Тавариён йўналиши бўйича тендер танлови ўтказилиши, жорий йилнинг 20 апрелига қадар автобус қатнови йўлга қўйилиши аҳолига маълум қилинди.

"Қўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Косибон кўчаси 34-уйда яшовчи фуқаро Бахтиёр Қаҳҳоровнинг ўғли Жасур Қаҳҳоров II-гуруҳ ногирони. Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бу оила газ таъминотидаги қарздорлиги сабаб қишининг изғиринли кунларда газ қувуридан узиб қўйилган. Партия фаоллари ва депутат хонадоннинг оилавий шароитини ўрганишда, ҳақиқатан ҳам ночор аҳволда эканлиги ва ёрдамга муҳтожлиги маълум бўлди. Шу боис улар кўмаги билан "Парвоз-Хумо-Равноқ транс" корхонаси раҳбари Тўймурод Маматов ҳомийлиги асосида мазкур оиланинг газдан қарздорлиги тўлаб берилди. "Тумангаз" корхонаси газ ҳисоблагич ўрнатиб, табиий газ билан тўлиқ таъминлади. Уйни таъмирлаш маҳалла ва ҳомийлар кўмагида ёз мавсумида амалга оширилган бўлди.

ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Ширинов ҳам Ғиждувон туманининг "Қорабў", "Улфатбиби", "Қорахони" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, қатор муаммо ва масалаларга ечим топишга эътибор қаратди.

Депутат дастлаб "Қорабў" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги 55-мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ўрганиб, мазкур масканнинг шарт-шароити билан танишди. Камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича керакли тақлим-таъсирларини берди.

Ҳудуддаги Миришкор қишлоғида яшовчи фуқаро Обиджон Аҳмедов ва унинг рафиқаси Назира Шарипова ишсизлик муаммосидан қийналиб келади. Галасийе педагогика коллежининг бошланғич таълим йўналишини тамомлаган Назира Шарипова депутатга



иш масаласида мурожаат этди. Жаҳонгир Ширинов ушбу масалада тегишли ташкилотлар раҳбарлари билан боғланди ва уларни ишга жойлаштириш борасида келишиб олди.

Кўнғирот қишлоғида истиқомат қилувчи Рисолат Содиқова 2 фарзандини боқувчисиз вояга етказди, катта қизи Ойниса Обидова тўлов-шартнома асосида Бухоро давлат университетига ўқийди, кичик қизи тиббиёт коллежи талабаси. Ўзи эса туман тиббиёт бирлашмаси режали хирургия бўлимида 0,5 штат бирлиги асосида ишлаб, оила тебратади. Аммо 250 минг сўм ойлик маош оила эҳтиёжларини қоплашга етмайди. Шу боис фуқаро депутатдан моддий ёрдам масаласида кўмак сўради. Халқ вакили мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан боғланиб, ушбу оилага ҳар ой моддий ёрдам ажратилишини ҳал этди ва масалани ўз назоратига олди.

"Қорахони" МФЙ ҳудуддаги 36-мактабгача таълим муассасаси табиий газ билан таъминланган бўлса-да, болалар ётоқхонаси яхши исимайди, хоналар зах ва совуқ. Муассаса биноси ҳам таъмирталаб аҳволда. Депутат мазкур тарбия масканида бўлган кунни тушлик учун тайёрланаётган овқатга умуман гўшт солинмагани маълум бўлди. Битта музлаткич бузилганлиги боис гўшт ва сут маҳсулотлари бир жойда сақланмоқда. Мавжуд ҳолатга гувоҳ бўлган депутат шу куннинг ўзидаёқ болалар ётоқхонаси иситиш тизимини йўлга қўйишга эришти, музлаткич таъмирга топширилди ва болаларнинг белгиланган меъёр асосида овқатланиши йўлга қўйилди.

— Халқ вакилларининг тумандаги ўрганишлари, аҳоли билан учрашув ва мулоқотлари

мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш имконини бермоқда, — дейди ЎЗМТДП Бухоро вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Дилфуза Яҳёева. — Депутат Жаҳонгир Ширинов Ғиждувон туманидаги "Улфатбиби" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги ўрганишлари давомида ҳудуддаги қатор муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшди. Масалан, Катта шайхлар қишлоғида яшовчи 10 фуқаро табиий газ таъминотидаги муаммолар юзасидан депутатга мурожаат қилди. Ўрганишлар давомида бу эътирозлар ўринли эканлиги аниқланди ва мазкур ҳолат тегишли мутахассислар билан муҳокама қилиниб, шу йилнинг 1 март кунига қадар ҳудуддаги хонадонлар табиий газ тармоғига улаб берилдиган бўлди.

Депутат кўмаги билан беморлар шифо топади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Қанлиқул туманида ҳам бўлиб, аҳолини ўйлантираётган мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатди. Хусусан, ЎЗМТДП фракцияси аъзолари Зумрад Бекатова, Жолдасбай Абдижамиллов туман аҳолиси билан суҳбат ўтказиб, уларнинг турмуш шароити билан танишди, мавжуд муаммолар ўрганилди, ҳудудда анчадан буён тўпланиб қолган масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилди. Туман тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморларнинг аҳолидан хабар олди, уларнинг мурожаатлари тингланди, тиббиёт масканининг фаолияти, муаммолари ўрганилди. Зарур тиббий асбоб-ускуналар, замонавий жиҳозлар билан таъминланганлик ҳолати билан танишилди.

Қанлиқул тумани "Дослик" овул фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашувда фуқаро Гулноз Шукруллаева 2013 йилда туғилган фарзанди Жақсибай Тулегеновнинг эшитиш аъзосида тумна нуқсонли борлиги ва бунга фақат жарроҳлик йўли билан даво топиш мумкин эканлигини билдирди. Аммо жарроҳлик амалиёти учун имконияти йўқлиги сабабли ўғлини даволатиш масаласида қийналиб келаётган эди. Фуқаронинг бу борадаги мурожаати депутат Зумрад Бекатова томонидан атрафлича ўрганилди. Шундан сўн боланинг ҳужжатларини Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига топшириш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди ва Тошкент педиатрия марказига йўлланиб берилдиган бўлди.

Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти депутатлар эътиборида

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида бўлган ЎЗМТДП фракцияси аъзолари Элдор Туляков ва Даврон Арипов тумандаги қатор ташкилотлар, хусусан, таълим масканлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини ўрганди. Маълум бўлишича, кўпгина умумтаълим мактабларида ўқувчилар белгиланган меъёрдан анча кўп. Шу сабабли дарслар икки навбатда ташкил қилинган, дарсликлар ҳамда фан ўқитувчилари етишмайди, тўғарақлар учун алоҳида хона йўқлиги ўқувчи ва устозлар учун нуқудайликлар туғдирапти. 2-, 33-, 51-, 54-умумтаълим мактабларининг бинолари кичиклиги боис ошхона, спорт зали, фаоллар зали, ўқитувчилар, профилактика нозирлари ҳамда ҳамширалар учун хоналар мавжуд эмас. 33-умумтаълим мактабида спорт зали бор, лекин совуқлиги сабаб дарслар ўтилмапти, зарур спорт жиҳозлари билан таъминланмаган.

51-умумтаълим мактабида ахборот-ресурс маркази учун алоҳида, замонавий талабларга



жавоб берадиган хона ажратилмаган, ахборот-кутубхона сифатида фойдаланиб келинаётган хона эса кичик ва совуқ. Бундан ташқари, бадий адабиётлар етишмайди, марказ Интернет тармоғига уланмаган.

54-умумтаълим мактабининг компьютер хоналари зарур мебель жиҳозлари, ахборот-техника воситалари билан таъминланмаган. 26-умумтаълим мактабида таъминотдаги

муаммолар сабабли ичимлик суви ташиб келтирилади. Яна бир қатор мактаблар бинолари атрофи ўралмаганлиги боис айрим муаммолар юзга келяпти. Масалан, қаровсиз қолган қорамоллар мактаб ҳудудига кириб, ободонлаштирилган ҳудудни пайҳон қилаётгани ачинарлидир. Айрим мактабларда тиббий хоналар ташкил этилмаган, ҳамшира фаолияти йўлга қўйилмаган.

Депутатлар таълим масканларидаги мавжуд муаммоларни батафсил ўрганиб, уларни ҳал этиш бўйича тегишли тартибда чора-тадбирлар кўришга киришди.

Фракция аъзолари Янгийўл туманида соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар, мавжуд муаммо ва камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Масалан, 74-қишлоқ оилавий поликлиникаси биноси жуда кичик ва таъмирталаб аҳволда. Бу, албатта, сифатли тиббий хизматга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Муассаса ичимлик суви билан таъминланмаган. Акушер-гинеколог хонасида зарур асбоб-ускуналар етарли эмас. Стоматологик жиҳозлар йўқлиги сабабли тиббий ходимлар тезкор чақиривқа пиёда боришга мажбур бўлмоқда.

Мирзо Улуғбек, Болғабоев қишлоқ врачлик пунктлари, шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимини Халқабод филиали каби тиббий муассасаларда ҳам аҳвол деярли шундай. Масалан, Мирзо Улуғбек ҚВБ биноси қаровсиз ҳолатда, ичимлик суви йўқ, тозалikka риоа қилинмайди. Даволаш профилактика ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шу йил 13 февралдан бери автоташна йўқлиги сабабли тиббий ходимлар тезкор чақиривқа пиёда боришга мажбур бўлмоқда.

Тумандаги ўрганиш жараёнида депутатлар кўплаб маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти талабга жавоб бермаслиги, идоралар эски биноларда жойлашганлиги, ишлаш учун етарли шароит яратилмаганлигига гувоҳ бўлдилар. "Янгийўл", "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинларида соғлиқни сақлаш ҳамда ички ишлар органлари ҳисоботини эшитиш йўлга қўйилмаган. "Мирзабод", "Ватан" МФЙларининг ҳужжат юритиш ишларида жиддий камчиликлар мавжуд. Фуқаролар мурожаатлари қайд этилмаган, ижроси номўълам. Берилган маълумотномалар тартибсиз ҳолатда.

— Янгийўл туманидаги ўрганишларимиз давомида асосан камчилик ва муаммоларга эътибор қаратилди, — дейди ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Элдор Туляков. — Аҳоли билан мулоқотлар чоғида, айниқса, коммунал соҳада кўп муаммо мавжудлиги аниқланди. Масалан, ҳудудда ички йўллар таъмирталаб, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланмаган, аксарият ҳудудларда электр токи таъминотидаги узилишлар одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. "Ислоҳот" маҳалла фуқаролар йиғинида 31 хонадоннинг тоза ичимлик суви билан таъминланиши эътибордан четда қолган. Маиший хизмат соҳасида ҳам аҳоли ижобий фикрлар билдирмади. Хусусан, айрим ҳудудларда сартарошхона, дорихоналар етишмаслиги, жамоат транспорт қатнови сустлиги, мактаб ўқувчиларидан йўлқира ундирилаётгани фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Ўрганишлар мобайнида аниқланган камчилик ва муаммоларнинг жойида ҳал қилиш мумкин бўлганларини бевожута туман ташкилотлари иштирокида ечишга ҳаракат қилди. Шунингдек, ўрганишлар якуни бўйича туманининг "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, унда тегишли мутасаддиларга масалаларни ижобий ҳал қилиш бўйича аниқ вазифалар юклатилди. Бундан ташқари, вилоят ва республика даражасида ўз ечимини кутаётган масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга

депутатлик сўрови билан чиқишни ўзимизга белгилан олди.

ЎЗМТДП фракцияси аъзоларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт, тиббиёт ва таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш, аҳоли вакиллари истақ ва тақлифларини ўрганиш борасидаги фаолияти ҳар жиҳатдан самарали кечди.

Ўрганиш якунлари қайси соҳада қандай муаммо борлиги, қайси йўналишдаги ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларга мутасаддилар эътибори қаратилди.

Муҳтарам КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Мурожаатлар ижобий ҳал қилинмоқда

ЕЧИМСИЗ МАСАЛА БЎЛМАЙДИ
ФАҚАТ ЭЪТИБОР ВА ҲАРАКАТ БЎЛСА БАС

Ҳар бир инсон ҳаёти давомида турли ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муаммоларга дуч келиши табиий. Сир эмас, юзага келган мавжуд масалаларни ҳал этишда давлат идораларининг, жамоатчиликнинг амалий кўмаги, раҳбар ва мансабдор шахсларнинг адолатли қарори муҳим ўрин тутади. 2017 йилда мамлакатимиз ҳаётидаги энг катта воқелик айнан давлат ва хўжалик бошқарув органларида мурожаатлар билан ишлаш тизимининг сезиларли даражада яхшилангани бўлди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари ҳам жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларга қонуний ечим топишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу бўйича олиб бораётган кенг кўламли чора-тадбирлар ўз муаммосига ечим излаб сарсон юрган кўпчилик фуқаролар учун катта мадад бўлмоқда.

Масалан, партиянинг Самарқанд вилоят ҳудудий ва маҳаллий кенгашларига ўтган йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан 250 га яқин мурожаат келиб тушган. Жойларда ўтказилган сайёр қабулларда қарийб 200 фуқаро ўзларини қийнаб келаётган турли масалаларга ижобий ечим топишда партия фаолларидан амалий ёрдам кўрсатишларини сўраган. Партия фаоллари, депутатлар томонидан тегишли тартибда ўрганиб чиқилган 440 мурожаатнинг 208 таси ижобий ҳал этилган, 124 таси юзасидан фуқароларга тушунтиришлар берилган, 108 таси кўриб чиқиш учун тегишли ташкилотларга юборилган.

— Бугун юртимизда юз бераётган ўзгариш ҳамда янги-янгилар ҳақида гапирганда, энг аввало, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида мурожаатлар билан ишлаш тизимининг ҳар жиҳатдан яхшиланганини алоҳида таъкидлаш жоиз, — дейди ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Ёлқин Окбўтаев. — Партия ташкилотлари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз йил давомида ҳудудларда одамларни ўйлантираётган, қийнаётган масалаларга имкон қадар ечим топиш, уларнинг манфаати ва ҳақ-ҳуқуқлари таъминланишига эришиш учун астойдил ҳаракатда бўлди. Мурожаатларнинг бирортаси эътибордан четда қолмади ва аксарияти жойида ижобий ҳал этилди. Қўшимча ўрганиш ва вақт талаб қиладиганлари юзасидан тегишли ташкилотлар раҳбарларига депутатлик сўрови юборилди. Мурожаатлари тегишли тартибда қаноатлантирилиб, масала-

лари ижобий ҳал этилган фуқаролар бугун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари ва депутатларидан мамнун. Масалан, Нарпай тумани Оқтош шаҳарчасидаги Амир Темур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси маҳалла ҳудудидаги Амир Темур ҳамда Имом Бухорий кўчалари кесишган нуктага светофор ўрнатилишида амалий ёрдам сўраб ЎзМТДП Нарпай туман кенгашига мурожаат қилди. Ушбу мурожаат ечим юзасидан партия фаоллари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Азамат Пардаевага мурожаат қилди. Ҳозирда марказий кўчалар кесишган нукталарга светофор ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Партия фаолларининг фуқароларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширган ишлари ҳам эътиборга молик. Самарқанд тумани Галаосиё маҳалласида яшовчи Тоҳир Розиковнинг қасбоблик ҳунари бўлса-да, аммо фаолият кўрсатишга етарли имкон топа олмаётган эди. У бу борада партия туман кенгашига мурожаат қилди. Халқ депутатлари Самарқанд туман Кенгашига партиядан сайланган депутат Шерали Ҳамроқуловнинг сазй-ҳаракати билан фуқаро касбига мос ишга, яъни Коникул қишлоғида янги очилган "Самарқандсифатгўш-савдо" корхонасига ишга жойлаштирилди.

Аҳолидан тушаётган мурожаатларнинг аксарияти коммунал соҳа билан бевосита боғлиқ. ЎзМТДП Пастдарғом туман кенгашига "Ҳиндибўй" МФЙ фуқароси Мамазиев Тўқлиев тумандаги коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хизматидан норози

эканлигини, у истиқомат қиладиган ҳудуд хонадонларида табиий газ йўқлиги, электр энергиясида тез-тез узилишлар кузатилаётганидан нолиб шикоят қилди. Мазкур мурожаатни партия туман кенгаши раиси Анвар Тошев ва халқ депутатлари Пастдарғом туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Абдухалиқ Абдумуродов ўрганганда ҳақиқатан ҳам юқорида кўрсатилган муаммолар мавжудлиги аниқланди. Депутат муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга сўров юборди ҳамда масала ижобий ҳал этилди — туман газ таъминоти корхонаси суюлтирилган газ баллонларини аҳолига етказиш бўйича тегишли чораларни кўрди, туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари ушбу ҳудудда юзага келаётган муаммони ўрганиб, яроқсиз, эскирган электр симларини алмаштирди.

Қўшработ туманидаги "Новкат" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Санобар Ёрбекова фарзанди учун 2 ёшга тулганча бериладиган нафақа пулини ололмаётганини билдириб, ЎзМТДП Қўшработ туман кенгашига мурожаат қилди. Партия фаоллари мазкур мурожаат юзасидан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси билан боғланиб, масалани қонунчиликка мувофиқ қўриб чиқиш ҳамда лозим бўлса тегишли тартибда амалий ёрдам кўрсатишини сўради. Қисқа вақт ичида "Новкат" маҳалла фуқаролар йиғини ушбу фуқаронинг ҳам мурожаатини ижобий ҳал этди: С.Ёрбекованинг фарзандига шу йилнинг январь ойидан 2 ёшгача нафақа пули тўлаб бериладиган бўлди.

Партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатларининг фуқаролар мурожаатлари юзасидан олиб бораётган бу каби сазй-ҳаракатлари уларни аҳолига янада яқинлаштириб, юзага келиши мумкин бўлган турли масалаларнинг олдини олиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этишда қўл келмоқда.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Партия лойиҳаси — амалда

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР УЧУН "ХИЗМАТ — БЕМИННАТ"

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида кенг билимли, эркин фикрлайдиган, ватанпарвар, ҳар томонлама етук ва иқтидорли ёшлар сафини янада кенгайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган ўқув курслари ана шу дастурий мақсад-вазифалар ижроси ҳамда аҳоли манфаатларига хизмат қилмоқда.



Айни пайтда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида мазкур лойиҳа доирасида ўқув курслари ташкил этилмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда партиянинг Нукус шаҳар кенгаши ҳамкорлигида "Сарбназа ўқув маркази"да "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида уюшмаган ёшлар ва хотин-қизлар учун ўқув курси иш бошлади.

Ўқув-курснинг очилиш маросимида сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқоғи Кенгеси депутати Раъно Қаландарова мазкур лойиҳа Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Хотин-қизлар

ни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш, хусусан, ишсиз ва ёрдамга муҳтож хотин-қизлар билан яқна тартибда иш олиб бориш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш ва келажақда ўз бизнесини йўлга қўйишига кўмаклашишда муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Айни пайтда "Сарбназа ўқув маркази"да хорижий тилларни ўрганиш, тиқиш-бичиш, моделлаштириш, пазандчилик, компьютер устаси, каштадўзлик, косметология, сартарошлик сингари 20 га яқин йўналишларда

хотин-қизлар ва ёшларга касб-ҳунар сирлари ўргатиб келинмоқда.

Шунингдек, Ажиниёв номидаги Нукус давлат педагогика институтини қошидаги тикув цехи раҳбари Тамарахоним Жумағалиева раҳбарлигида ҳам "Хизмат — беминнат" ўқув курси ташкил этилди. Мазкур ўқув курсида Нукус шаҳри "Қумбўз аўыл" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи ўнга яқин уй бекаларига тикувчиликдан сабоқ берилмоқда.

— Маҳалламиз раиси Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бепул ўқув курси ташкил этгани, унда тикувчилик сирларини ўрганишим мумкинлигини айтганида, жуда хурсанд бўлдим, — дейди икки фарзанднинг онаси, уй бекаси Қирмизи Айимбетова. — Айни пайтда мазкур ўқув курсида таълим оляпман. Тикувчилик сирларини мукамал ўзлаштириб, ўз ишимни йўлга қўймоқчиман. Бу билан оиламнинг моддий таъминотига ўз ҳиссамни қўйиш имкониятига эга бўлман.

"Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги ўқув курси Сергели туманидаги "Халқабод" маҳалла фуқаролар йиғини қошида ҳам ташкил этилди.

— Мазкур ўқув курси ушбу маҳаллада истиқомат қиладиган уюшмаган ёшлар, фанлардан ўзлаштириш паст ўқувчиларга бепул қўшимча таълим беришга йўналтирилган, — дейди тумандаги 47-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Махбуба Қодирова. — Ўқув курсларининг самарали натижага эришишида, аввало, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда ўқув курсимизда

24 ўғил-қиз таълим олмақда. Маҳалла аҳли фарзандлари учун яратилган ушбу имкониятдан ниҳоятда мамнун.

"Хизмат — беминнат" лойиҳаси юртимизда кўпчилик ёшларнинг касб-ҳунари бўлиши ҳамда имкониятларини юзага чиқаришга ҳисса қўйиши мақсад қилган.

— Туманимиздаги "Халқабод" маҳалла фуқаролар йиғинида бугун 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда, — дейди халқ депутатлари Сергели туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Хирожиддин Ибрагимов. — Ҳудудда 1 мактаб, 1 коллеж ҳамда 2 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Мактаб ва коллеж ўқувчиларининг чет тилларини ўрганиши учун қулайлик яратиш мақсадида "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида ўқув курси ташкил этдик. Мазкур ўқув курси Халқабод маҳалласи ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг билимини бойитишга хизмат қилади.

Айни пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари жойларда хотин-қизлар ва ёшларга беминнат таълим берувчи, касб-ҳунарга ўргатувчи ўқув курсларини ташкил этмоқда. Ушбу лойиҳанинг амалга таъбиқ этилишида кўп йиллик тажриба ва касбий маҳоратга эга педагоглар, хунармандалар жалб этилган.

Айнура УТЕНИЯЗОВА,
ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши етакчи мутахассиси
Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат),
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўз болангни ўзинг асра!

БУНЁДКОР ҒОЯЛАР УСТУВОР

Жаҳолатни маърифат билан енгиш, ўғил-қизларимиз онгида маънавий бўшлиқ бўлишига йўл қўймастик зарурати бугун барчамиз учун долзарб вазифага айланган. Шу босқич ҳам мамлакатимизда таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари томонидан кенг миқёсда ёшлар ва ота-оналар ўртасида маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам фаол иштирок этишга иштирокчи.

Партиянинг Хоразм вилоят кенгаши, вилоят ҳокимлиги, Ички ишлар бошқармаси, Ўзбекистон Муслмонлар идорасининг вилоят вакилиги ҳамкорлигида ёшларни турли ёт ғоялардан асраш, нотўғри йўللardan қайтариш мақсадида маънавий-маърифий тарғибот тадбирларини ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Шу кунларда мазкур дастур асосида воҳанинг барча шаҳар ва туманида "Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш — барқарорлик ва тараққиёт гарови" мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Урганч давлат университети, Хонқа туман давлат санитария эпидемиология маркази, Богот туман иқтисодий ва сервис касб-ҳунарга коллежи ва бошқа бир қатор идора, ташкилот ва муассасаларда ушбу долзарб мавзу бўйича ўтказилган тадбирларда аҳолининг кенг қатлами жалб этилди. Бу тадбирларда диний экстремизм ва терроризм дунё мамлакатларини демократик, ҳуқуқий, дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган турли хил кўча ва марказларнинг асосий қуролига айланганлиги таъкидланмоқда. Афсуски бундай вайронкор ғоялар таъсирига тушиб, манкуртларча Ватанидан, ота-онаси, яқинларидан юз ўгириб, ўзга

юртларда инсонлар қонини тўқаётганлар орасида бизнинг юртдошларимиз ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Ўз-ўзимизга савол берайлик: улар нима сабабдан шу даражага бориб етди? Жавоб фақат битта: биз ота-оналар ўз фарзандимизни ўзимиз асрай олмадик.

Бу каби ҳолатлар тақрорланмаслиги учун барчамиз ҳушёр бўлишимиз, ўғил-қизларимиз нималарга қизиқиши, бўш вақтини қандай ўтказиши, дўстлари қимлиги, ижтимоий тармоқларда қимлар билан мулоқот қилишини билишимиз зарур.

— Яратганининг марҳамати билан жаннат-макан дёиримизда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон, тинчликнинг қадри дунёнинг баъзи жойларида бўлаётган хунрезлик ва турли бало-ю офатлар мисолида таққослаб кўрилса, янада аниқ намоён бўлади, — дейди Богот тумани бош имом-хатиби Рашидбек Эрназаров. — Айни шу маънода тинчликни асраш ва жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш энг мақбул йўлдир. Ўшунинг учун эса ёшларимиз илм олмоғи, динимиз кўрсатмаларида илм кенг тарғиб қилинганлиги, давлатимиз қонуналирида ҳар бир шахсининг таълим-тарбияси кафолатланганлиги тушунтирилади.

Жумладан, Қуръони каримда "Ўқи" деган оят туширилгани ҳам динимизда илм олишга тарғиб қилингандаларидир. Уламоларнинг "Илм олганларнинг баъзилари адашиб, илм олмаганларнинг эса барчаси адашиб кетди", деган сўзлари замирида ўқиниш ниятининг тўғри бўлишиги, илм олиш фақат Аллоҳ таъолони рози қилиш ва инсонларга манфаат етказиш учун бўлиши кераклиги тушунтириб ўтилади.

Бола тарбиясида оила, таълим муассасаси ва маҳалланинг ҳамкорлиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ёшларимиз онгида бўшлиқ ҳосил бўлмаслиги, унинг ўрнини ёт ғоялар эгаллаб олмаслиги учун барча бир ёқадан бош қиқариб, улар шурига азалий маънавий қадриятларимизни синдиришимиз лозим. Бунда аждодларимиз яратган, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган қомил инсон ҳақидаги ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодекси, унинг ўзаги, маънавий ташкил этидиган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибод ва ифрат каби юксак ахлоқий туғиу ва тушунчаларнинг маъно-мазмунини чуқур англаб етишига эришимиз зарур.

Ёшларимиз тарбиясига бағишланган мазкур долзарб мулоқотларда ота-оналар ўғил-қизларимизни диний экстремизм ғояларидан асраш борасида яна қайси жиҳатларга эътибор қаратиш зарурлиги хусусида ўз фикр-мулоҳаза ва тақлифлари билан ўртоқлашмоқда. Улар бугунги кунда Интернет орқали тарқатилган диний

экстремизм ғояларининг асл мақсади тинч ва фаровон ҳаётимизни издан чиқариш эканлигини ёшларимизга тушунтиришдан эсло чарчамаслигимиз, фарзандларимизни тинчликнинг қадрига етиш, ўз иқтидорини намоён этишлари учун яратиб берилаётган барча шароитдан тўла фойдаланишга ундашимиз, ёш авлод тарбияси учун биз катталар масул эканлигимиз, уларнинг ҳаётида адашиш бизнинг афсус-надоматда қолишимизга сабаб бўлишини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимлигини таъкидламоқда.

Ўтказилган тарғибот тадбирлари доирасида ҳудуддаги бир неча ёш йиғитини чет мамлакатга ишлаш учун кетиш ниятидан қайтаришга эришилди. Уларга муносиб ёш ўринлари тақлиф этилди. Демак, ҳамкорликдаги тарғибот ишларимиз бесамар кетмаяпти, деб айта оламиз. Шундай экан, бундан кейинги ишларимизни янада кучайтириб, ёшлар орасида кенг кириб боришимиз лозим.

Юртимиз обод бўлиб, аҳолининг эртанги кунга ишончи юксалгани сайин юртдошларимизда Ватанимиз ва келажагимиз эгалари тақдири учун масъулият ҳисси ҳам орлиб бормоқда. Айнан шу жиҳат ёшларни ёт ғоялар таъсиридан, нотўғри йўللardan асрашимиз учун бош омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ражаббой РЎЗМЕТОВ,
ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси



Маданий мерос — тарбия ўчоғи

Юртимизнинг бетақдор табиати, сўлим ва ҳушманзара гўшалари азалдан дунё аҳли эътиборини тортиб келган. Жиззах вилоятида ҳам бундай масканлар кўп. Зомин ана шундай гўзал туманлардан.

ҚАДИМИЙ ҚАЛЪА
БУЗИЛИШ АРАФАСИДА
УНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ТУМАН ТУРИЗМ
САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Туманда истиқлол йилларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Зомин янада чирой очиб, жаннатмонанд юртимизнинг кўркам масканларидан бирига айланди.

Замонавий меъморчилик андозалари асосида қад ростилаган турар-жойлар, маданий-маърифий иншоотлар, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, ишлаб чиқариш объектлари, кенг ва раvon йўللар, боғроғлар қалбимизда ифтихор туйғуларини юксалтирмоқда. Мақсад — аҳоли учун барча замонавий шароитларни яратиш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришдир.

Сўнгги йилларда матбуот орқали она-заминимиздаги ноёб тарихий меъморий, маданий-маърифий қадимжолар мамлакатимиз мустақиллиги туфайли янги кифола касб этаётгани, мислсиз ободончилик ишларидан аждодлар руҳи шод бўлиб, бундай даргоҳлар жозибали гўшага айланаётгани хусусида кўп ёзилмоқда. Бу — айни ҳақиқат. Шу билан бирга ҳали олдимизда барчамиздан фидойилик ва жонбозлик талаб этадиган, ечимини кутаётган долзарб масалалар ҳам мавжудки, шу ҳақда батафсил сўз юритсак.

Юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос анъаналари, тарихий обидалари, табиий иқлим шароити билан диққатга сазовор. Тарихий манбаларда келтирилишича, Зомин уч минг йиллик тарихга эга. Буюк ипак йўлидаги йирик илм-фан ва маданият маркази сифатида жаҳонга танилган қадимий шаҳар ўзининг бой тарихи, ўтмиши, қадимий ёдгорликлари-ю муқаддас қадимжолари билан дунё жамоатчилиги, илм аҳли ва сайёҳларни жалб этиб келган. Бир вақтлар бутун Осиёда куч-қудрати, иқтисодий салоҳияти билан машҳур кўҳна Уструшона давлатининг энг муҳим ҳудудларидан саналган бу замин "Сарсанда", "Сусанда", "Сабза" номлари билан аталган.

Бу ҳудудда жуда кўпчилик маданий, тарихий ва археологик қимматга эга объектлар мавжуд. Улардан бири Зомин шаҳарчаси марказида жойлашган, Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари ва қаҳрамон аскарлар шарафига бунёд этилган хозирги Хотира майдони, яна ҳам аниқроғи мемориал мажмуа ўрин олган жойдир. Мемориал мажмуа собиқ совет даврида тарихий иншоот — Кўргонтепа номи билан машҳур бўлган қалъа ўрнига қурилган.

Маълумотларга кўра, Кўргонтепа қалъасини кўҳна қабристонга туташ 1,5 гектар майдонни ўз ичига олган, баландлиги 8-10 метрга тенг икки қават девор ўраб турган. XVIII асрда суратга олинб, каталогга киритилган расмлар мазкур кўргоннинг чиндан-да қадимийлигини исботловчи далил ҳисобланади. Кейинчалик кўргон тупроқ бўлиб ёпилиб консервация қилинган (бу 1866 йилда суратга олинган тарихий расмларда акс этган) ва худди шунинг устига мажмуа тимсоли ўрнатилган.

Археолог-олимларнинг тадқиқотларига кўра, Кўргонтепа ёдгорлиги тарихий археологик объект ҳисобланади ва у эраимиздан аввалги II асрга тегишли кўҳна Зомин шаҳри (ўрдаси) қолдигидир. Қолаверса, ушбу мажмуа атрофидаги маҳалла ҳам бежиз Кўргон номи билан аталмагани айтилмоқда.

Ҳақиқат шуки, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган барча эзгу ишларнинг замирида аввало инсон манфаати муҳасам. Бугунги ободлик, фаровонлик, бунёдкорлик ишларининг ҳақиқий манзараси шаҳар ва туманларимизнинг янгиланаётган қиёфасида яққол намоён бўлмоқда. Аммо, бундай янги бино ва иншоотлар қурилиши халқимизнинг неча асрлик бой тарихини ўзида муҳасам этган маданий мерос объектлари бузилиши ҳисобига бўлмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз.

Албатта, барча соҳалар қатори туманда тадбиркорлик ва экотуризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлардан аҳоли бениҳоя мамнун, лекин кўҳна обида ва қадимжолар, хусусан, Кўргонтепа қалъасининг бузилиши ота-боболаримиз тарихини ўз қўлимиз билан вайрон қилиш, том маънода ўз оёғимизга болта уриш билан баробардир. Айни вақтда режалаштирилаётганидек, бу ерда янги қурилиш лойиҳасининг амалга оширилиши тарихий иншоот — қалъага путур етказиши, ўзи ва тарихига соя ташлаши муқаррар. Билишимизча, янги лойиҳада бу тепалик асладан 3-4 метр пасайтирилиши, қалъа қисми эса буткул бузилиши, унинг ўрнида Хотира хиёбони бунёд этилиши назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги гарчи Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси "Ўзбекистон шаҳарсозлик лойиҳалаш ва илмий тадқиқот институти" давлат унитар корхонасининг 2017 йил 23 октябрдаги хатига жавоб тарихисида Кўргонтепа қалъасида, яъни археологик объект ҳудудида қурилиш, қазих ва унга зарар етказадиган бошқа ишларни амалга ошириш мақсада мувофиқ эмаслигини маълум қилган бўлса-да, лекин тарихий иншоот устига янги хотира мажмуасини ўрнатиш лойиҳаси тайёрланган, туман ҳокимлигига топширилган.

Президентимиз раҳнамолигида қадимий обидаларни тиклаш, таъмирлаш, уларнинг атрофини ободонлаштириш ҳамда халқимиз ва хорижий сайёҳлар учун муносиб шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётган бир пайтда, ушбу маданий мерос объектлари ҳам тадқиқотлар олиб борилса, унга Афросиёб сингари шаҳарча мақоми берилса, дунё олимлари ва сайёҳлар кенг жалб этилса, ўйлаيمизки, айни муддао бўлар эди. Бу, ўз навбатида, вилоятда ички ва ташқи туризмни янада ривожлантириш учун қулай имконият яратишга йўналтирилган бир қадам бўлиши билан аҳамиятлидир. Аммо афсуски, мазкур объектни сақлаб қолиш мақсадида бир неча бор маҳаллий ҳокимият раҳбарларига ёзма ҳамда оғзаки тарзда мурожаат қилинса-да, ҳозиргача бесамар қолмоқда.

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, ундан самарали фойдаланиш, аждодларимиз тарихини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, ўсиб келаётган еш авлодини бебаҳо тарихий меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга даъват этиш, уларда миллий ўзлиқни англаш туйғусини янада кучайтириш, жамиятда юксак маънавиятни теран қарор топтириш ЎзМТДПнинг устувор вазифалари сирасига кирди.

Ирода МУРОДОВА,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши бош мутахассиси

Бугуннинг гапи

БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМА...

ЁХУД УМРИНИНГ ХАЗОНГА АЙЛАНМАСЛИГИ ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ҚЎЛИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Йўлга тушдик — автомобил сало-нида мендан ташқари яна уч йўловчи бор. Бозорга етай деб қўлганимизда ҳамроҳларнинг иккитаси ҳайдов-чидан уловни четроқда тўхтатишни сўради. Ҳайдовчи машинасини таққиланган жойда тўхтатиб, йўлов-чиларни туширди-да:

— Яна юз метрдан кейин ер ости йўли бор, шундан ўтса бўлади-ку, — деди норози оҳангда. — Сира тушунмайман, бу ерда пиёдаларнинг ҳаёти учун махсус жой бўлмаса, қарама-қарши томонга юриш учун йўлни кесиб, тўсиқдан ошиб ўтиш керак. Кўриб турибсиз, автомобиллар ҳар сонияда катта тезлик билан ўтиб турибди. Одамлар ўз ҳаётини лото-реяда ютиб олганми, дейман. Худо кўрсатмасин, бир фалокат бўлса, ё умрбод майиб-мажруҳ бўлиб қолади, ё бундан ҳам баттари бўлиши мумкин. Яна ким айбдор — ҳайдовчи айбдор...

Дарҳақиқат, йўл-транспорт ҳо-дисалари ва уларнинг оқибати ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ҳамда жамиятининг маънавий ҳаётига жи-дий зарар етказиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай ҳодисаларнинг олдини олиш муҳим вазифалардан биридир. Ушбу йўналишларда кўрилаётган чора-тад-бирларга қарамай, бахтсиз ҳодисалар йилда энг кўп тарқалган ва кишилар ҳаётига жиддий хавф солаётгани — йўл-транспорт ҳодисаси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотла-рига кўра, дунё бўйича ҳар куни 3 мингдан зиёд инсон йўл-транспорт ҳодисаси қурбонига айланади, 100 мингга яқин киши турли даражада тан-жароҳати олар экан. Бир йилда эса йўл-транспорт ҳодисаси сабаб дунё миқёсида 1 миллион 300 минг киши ҳалок бўлиб қўйилган. 20-50 миллион одам турли тан-жаро-ҳати олиб, баъзилари умрбод но-гирон бўлиб қолади. Жабрланганлар-нинг ярмини пиёдалар, мотоцикл ва велосипед бошқарувчилари ташкил этиши эса вазиет бу борада анчайин жиддийлигини аниқлатади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкило-тининг хабари янада ташвишли: 2020 йилга бориб йўллардаги бахтсиз ҳо-дисалар инсоният ҳалокати, жароҳат олишидаги асосий учинчи омилга айланади. Бу хавфлилик да-ражасига кўра баъзи хасталикларни ҳам ортада қолдиради, дегани. Вазиет шу тарзда давом этса — ахвол ўнган-маса, 2030 йилга бориб дунё бўйича йўл-ҳаракати ҳодисаси қурбонлари сони саратон ва ортирилган имму-нитет танқислиги синдромига (ОИТС) чалинганлардан ҳам ўтиб кетиши мумкин.

Бугунги кунда автоҳалокатлар-нинг аксарияти Африка ва Ўрта ер денгизи мамлакатлари улушига тўғри келмоқда. "The Wall Street Journal"да қайд этилишича, йўл-транспорт ҳо-дисаси энг кам учрайдиган мамлакатлар сирасига Голландия, Швеция ва Буюк Британия кирди.

Юқорида келтирилган статистика маълумотларини бошқача ракурсда талқин этиб кўрайлик. Ҳар бир рақам ортда-орта-она, фарзандлар, қарин-дош-уруғ, дўстлар, касбдошлар ҳам турганини тасаввур қилсак, бундай ҳалокатлар бир кунда қанчадан-қан-ча оилага ташвиш келтиришини англаш қийин эмас. Бу деганимиз шундайки, унинг асорати вақт ўтиши билан унут бўлиб кетмайди, ё ҳамма-сини асл ҳолига қайтариб бўлмайди. Бунинг оқибатида кимдир ота-онани, кимдир фарзандидан, оилалар эса яқинидан, боқувчисидан жудо бўла-ди, кимдир бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолади...

Шу ўринда таъкидламоқ жоиз, ўтган йил якуни бўйича амалга оши-рилган ишларнинг таҳлили мамла-катимиз йўлларда йўл-транспорт ҳо-дисаларининг олдини олиш, хай-

довчилар, пиёдалар айби билан содир бўладиган турли нохуш ҳо-лларни камайтиришга қарши кураш анча самарали давом этаётганини кўрсатиши мумкин. Бироқ бу хотиржамликка асос бўлмайди. Таҳлиллар бундай ҳодисаларнинг олдини олиш ва янада камайтириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Таҳлилларга кўра, пиёдаларнинг айби билан содир бўлаётган кўнгил-сиз ҳодисаларнинг аксарияти кечки пайт юз бераётди. Унда асосан йўл ҳаракати қоидаларига зид тарзда йўлнинг қатнов қисмини кесиб ўта-ётган ёки пиёдалар ўтиш жойидан ҳаракатланаётган йўловчилар жабр кўради ва афсуски бу каби аксарият ҳодисалар е йўловчининг оғир тан-жароҳати олиши, ё бўлмаса, ҳаёт билан видолашувига олиб келади.

Фарзандларимни ҳар куни кўлидан тутиб ўзим мактабга олиб бориб қўяман, — дейди юносубодлик Ҳасан Исмоилов. — Дарси тугагач, онаси олиб келади. Мактаб унчалик узоқмас. Шундоққина йўлнинг нариги томонига ўтиб, бироз юрилади. Хаво-тирим — йўллар хавфи. Пиёдалар ўтиш йўлакчасига барча белгилар ўрнатилган бўлса-да, ҳайдовчилар доим шовиб юради. Иложи бўлса, пиёдадан олдин ўзи ўтиб кетса, Аксинча, ҳайдовчилар пиёдаларга хурмат кўрсатиши керак эмасми?

Дарҳақиқат, ҳайдовчилар айби билан содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили, аввало, ҳай-довчиларнинг белгиланган тезликка риоя этмаслиги, йўлчилик ишоралари билан эътиборсизлиги ва бошқа қоидабузарликлар туфайли юз бераётганини кўрсатмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Тошкент вилоятидан ўтиб, марказий йўл бўй-лаб кетар чоғингизда Сирдарё ви-лоятининг Бахт, Гулистон шаҳарлари йўлига ҳеч аҳамият берганмисиз? Уша шаҳарларда республиканинг бошқа ҳудудларида учратиш мушкул, ўр-нак намунаси сифатида қўлш мумкин бўлган бир ибратли амалга дуч кел-ласиз. Яъни катта қатнов йўлидаги пиёдалар ўтиш йўлагининг ҳар иккала томони юқори ёруқликка эга алоҳида чироқлар билан ёритилади. Бунда чироқ нурлари айнан пиёдалар ўтиш йўлига қаратилгани боис катта тез-ликда машина бошқариб келаётган ҳайдовчининг пиёдалар йўлидан ўтаётган йўловчини узоқ масофадан туриб ҳам англашиши имкон беради.

Ўтган йилнинг май ойидан бош-лаб пойтахт кўчалари ўртасидаги ажратувчи тўсиқлар олиб ташлана бошланди. Бу тўсиқлар 2015 йил-нинг ёз-куз ойларида йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш, йўлнинг белгиланмаган қисмидан кесиб ўту-чи йўловчилар ҳаракатини чеклаш мақсадида ўрнатиб чиқилган эди. Бироқ мазкур ажратувчи тўсиқлар амалда йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишга эмас, балки пиёдалар ҳаётининг хавф остида қолиши ва ҳайдовчиларнинг тўсиқ бўйлаб хаво-ти билан ҳаракатланишига сабаб бўлди, холос.

Мамлакатимизда йўлларнинг кенг ва раволигини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тад-бирлар ҳам ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган, — дейди "МУ ТАХИ" компанияси ҳайдовчиси Максуд Носиров. — Айниқса, кўчалар ўртасидаги ажратувчи тўсиқларнинг олиб ташлангани маъқул иш бўлди. Чунки автомобиль ҳайдовчиси пиёдалар йўлакчаси бўйлаб келаётган одамларни тўсиқ ортдан кўриши туғул англашининг ўзи мушкул эди. Бир сафар мендан олдинроқда ҳа-ракатланаётган машина шу сабаб йўловчини уриб юборганига ўзим гувоҳ бўлганман. Аксинча-ку пиёдалар йўлакчасига яқинлашган ҳайдовчи йўлакчи бор-йўлигидан қатъий

назар тезликни камайтириши, хуш-ёрлик билан ҳаракат қилиши керак. Аммо шундай ҳоллар ҳам бўлади-ки, ҳайдовчининг минг хушёрлиги пиёдаларнинг бир бепарволиги сабаб фалокат олиб келади.

Амалдаги "Йўл ҳаракати қоидала-ри"нинг 19-бандига кўра, ҳаракат тар-тибга солилмайдиган пиёдалар ўтиш жойларида, пиёдалар яқинлашиб келаётган транспорт воситаларигача бўлган масофани ва уларнинг тезли-гини чамалаб кўриб, ўтиш ўзла-рига учун хавфсиз эканлигига ишонч ҳо-сил қилганидан сўнг йўлнинг қатнов қисмига чиқишларига рухсат этилади. Шунингдек, улар йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойларидан ташқарида кесиб ўтишда транспорт воситаларининг ҳаракатланишига халақит бермаслиги, яқинлашиб келаётган транспорт воситалари йў-лакчи ишонч ҳосил қилмасдан туриб, кўришни чекловчи, тўхтаб турган транспорт воситаси ёки бошқа бирор тўсиқ панасидан чиқмаслиги керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси яқинда яхши ташаббус билан чиқди: Нукус шаҳридаги пиёдалар ўтиш йў-лари энди сариқ ранга бўялади. Бундан кўзланган асосий мақсад — йўл-транспорт ҳодисалари со-нини камайтириш. Таклиф этилган намунага асосан мактаблар, спорт мажмуалари ва болалар қатновчи кўп ҳудудлардаги катта йўлларга чи-зиладиган сариқ чизиклар узунлиги 4 метр, эни 60 сантиметр бўлади. Бу ҳам ҳайдовчининг хушёрлигини оши-ради, ҳам йўловчиларни огоҳликка қа-чиради.

Икки йилдан бери таксичи-лик билан шуғулланман, — дейди АҚШнинг Сан-Франциско штатидаги Uber компаниясига меҳнат қилаётган ҳамюртимиз Ўткир Шералиев. — Штат кўчалари бўйлаб юрар эканман, бу ер тажрибасини ўрганиб, ўзимизга жорий этишимиз мумкин бўлган жиҳатлар, қўллиги амин бўлдим. Йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида гапиришдан олдин, аввало, йўллар ҳолатини яхшилаш керак, назаримда. Бу ердаги йўл худди катта дафтра-дект. Катакдан чиқиб кетмай тўғри ёзаётган ўқувчи ўқувли ҳайдовчи демакдир. Пиёдалар ўтиш йўлак-ларида "Пиёда" белгисига қўшимча тарзда "Тўхта" белгиси ҳам ўр-натилган. Ҳайдовчи йўлак қаршида пиёда бор-йўқлигини қатъий назар, ҳар бир йўлакда кузатув камералари ишлаб турибди. Пиёдага йўл бермай, уч марта қоидага бўйсунган авто-улов эгаси ҳайдовчилик гувоҳномаси билан хайрлашишига тўғри келади...

Гап йўл-транспорт ҳодисалари, улар сонини камайтириш, имкон қадар бартароф этиш ҳақида кетар экан, масала ҳар бир йўл ҳаракати иштирокчисининг — у йўловчи ёки ҳайдовчи бўладими, маданиятга — малакаси, интизоми, ҳаракатланиш қоидаларини мукаммал билишига бориб тақалаверади.

Йўлда ҳаракатланаётган йўловчи ҳам, ҳайдовчи ҳам, аввало, ўз эҳтиёт-ини қилиши зарур. Бу инсонларни турли фалокатлардан асраш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Эҳтиёткорликнинг ҳаётий аҳамияти ҳамда у бўлмаганда келиб чиқадиган оқибатлар ҳақида жуда кўп ҳикматли гаплар айтилган. "Эҳтиётнинг бўлса — эҳтиётнинг бўлмас", "Оёқ остига қарамаган жарга қулар", "Бир эҳтиёткор — юз бекфарқдан аф-зал", "Нарвонга чиқсанг, шошмай қик", ўз ҳаддиндан ошмай қик" каби ҳик-матли гапларни эҳтиётсизлик туфайли панд еган инсон донимандлигининг натижаси, дейиш мумкин. Бугунга келиб бу ҳикматлар қаторига "Йўл қо-идаси — умр фойдаси" ҳам қўшилди...

Мухтасар айтганда, урбанизация жараёни тезлашиши, иқтисодиётнинг ўсиши натижасида шаҳар кўчаларида таъминлашга қаратилган, — дейди "МУ ТАХИ" компанияси ҳайдовчиси Максуд Носиров. — Айниқса, кўчалар ўртасидаги ажратувчи тўсиқларнинг олиб ташлангани маъқул иш бўлди. Чунки автомобиль ҳайдовчиси пиёдалар йўлакчаси бўйлаб келаётган одамларни тўсиқ ортдан кўриши туғул англашининг ўзи мушкул эди. Бир сафар мендан олдинроқда ҳа-ракатланаётган машина шу сабаб йўловчини уриб юборганига ўзим гувоҳ бўлганман. Аксинча-ку пиёдалар йўлакчасига яқинлашган ҳайдовчи йўлакчи бор-йўлигидан қатъий

МММда

2017 йилда ҳудудий бандликка қўмаклашиши марказлари 229 минг 900 фуқарони ишга жойлаштирган, 27 минг 100 киши жамоат ишларига жалб этилган, 6 минг 600 фуқаро касбга ўқитилиб, қайта тайёрланган бўлса, 10 минг 400 кишига ишсизлик нафақаси тайинланган.

АҲОЛИ БАНД БЎЛСА ҲАМ ФУҚАРО, ҲАМ ДАВЛАТ БОЙ БЎЛАДИ

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўтказган матбуот анжуманида хабар берилди.

Маълум қилинишича, 2017 йилда 1 минг 218 марта меҳнат ярмаркалари ташкил этилган, уларда 59 минг 300 га яқин иш беришчи вакиллари ва иш қидираётган 204 минг 900 нафар фуқаро иштирок этган. Ярмаркалар натижасига кўра, 52 минг 200 киши ишга йўланма олган, 133 мингдан ортиқ иш қидираётганларга меҳнат, бандлик ва ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат берилган.

Касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш бугуннинг энг долзарб масалалари-дан бири саналади. Мазкур йўналишда намунали янги механизм асосида иқтисодиёт комплекси тар-кибига кирувчи барча ташкилот раҳбар ва маъсул ходимларига жами 1 минг 410 касб-хунар колле-жидаги 456 минг 800 битирувчи бириктирилган. Махсус ташкил этилган "college.mehnat.uz" ахборот тизими битирувчиларнинг ишга жойлашиш ҳолати-ни мунтазам мониторинг қилиб боради.

— Жорий йилда оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар, айниқса, ёш хотин-қизлар банд-лигини таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқдик, — дейди Бандлик ва меҳнат муносабат-

лари вазирни ўринбосари Зокир Умаров. — Дас-турга мувофиқ 9 минг 936 хотин-қиз бандлигини таъминлаш чораларини кўриш режалаштирилган. Янги сонаот корхоналари қурилиши, кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ҳисобига янги доимий иш ўринларини ташкил этиш ва шу асосда аҳоли турмуш фаровонлиги ва сифатини ошириш долзарб вазифа саналади.

Матбуот анжуманида айтилишича, аҳолининг иқтисодий ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қув-ватлаш бўйича 2017 йилда кам таъминланган 652 минг оилага ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинланган. 2017-2018 йилларда 14 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга нафақалар тўлаш ва уларни оловчилар контингентини 1,5 ва 2 баро-бар кенгайтириш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида меҳнат билан банд бўл-манган аҳоли, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган тизимли чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саво-ларга батафсил жавоб берилди.

Ўз мухбиримиз

Инновацион гоя — келажак асоси

"АҚЛЛИ ИССИҚХОНА" ЙИЛНИНГ ТЎРТ ФАСЛИДА ҲАМ ҲАРОРАТНИ МЎЪТАДИЛ САҚЛАБ ТУРАДИ

Иссиқхоналар халқимизнинг барча мавсумда янги ва сарқил қишлоқ хўжалиги маҳ-сулотлари билан таъминлашда катта аҳамиятга эга. Мўл ва сифатли ҳосил олиш учун иссиқхонада мўътадил микроқлим яратилиши керак.

Ундаги иқлим ҳавонинг исиб-совиши нати-жасида мунтазам ўзгариб туради. Бу, ўз-ўзидан, етиштирилаётган маҳсулот парварши ва сифа-тига ҳам таъсир этмай қолмайди. Мазкур муаммо қишнинг изгирида ҳам тиним билмайдиган деҳқонларимизни анчандан бери ўйлантириб келар эди.

Навоий кончилик институти магистранти Аб-духалил Самадов ҳар бир хонадонда барпо этиш мумкин бўлган инновацион иссиқхона ихтиро қи-либ, деҳқонларимизни ташвишга солиб келаётган мана шу муаммога барҳам бериш имконини топди.

"Ақлли иссиқхона" ўсимлик ва мевали дарахтлар учун йилнинг тўрт фаслида ҳам зарур бўладиган мўътадил ҳароратни сақлаб туради. Унинг ишлаш механизми жуда оддий. Иссиқхонадаги дароҳт ва ўсимликлар учун, дейлик, 15 даража иссиқлик қараб бўлса-ю, ҳавонинг совиб кетиши ичкаридаги ҳароратни 5-10 даражага пасайтириб юборса, ҳар икки-уч метрга ўрнатиб чиқилган сезгир ҳисобла-гичлар бошқарув пултига мавжуд ҳолат ҳақида хабар узатади. Ҳаво ҳарорати пасайгани ҳақидаги хабарни қабул қилган бошқарув пулти шу захо-тиёқ иситиш ускуналарини ишга туширади. Энг муҳими, бу жараён инсон омилсиз — автоматик тарзда амалга ошади. Мабодо бунинг акси бўлса, яъни ҳаво ҳарорати 15 даражадан ошиб кетадиган бўлса, мослама иссиқхонани салқинлатиш пайига тушади. Иссиқхона деразалари ҳаво ҳарорати 15 даражага тушгунга қадар очик ҳолда туради. Ҳарорат мўътадиллашгач, деразалар автоматик тарзда ёпилади. Технология шу қадар аниқлик тахсин ўқийсиз. Бундан мамнулик туйётган деҳқон юзидидаги қувонч қалбингизга қўчади.

— Бу янги технологияни, айниқса, тадбир-корлар катта иштиёқ билан кутиб олди, чунки уларнинг соҳадаги асосий муаммоларидан бири ҳам шу эди, — дейди Абдухалилнинг устози, Навоий давлат кончили институти ўқитувчиси Одил Жумаев. — Мослама экнингнинг агротехника талабларидан келиб чиқиб ишлайди. У мавсумий ва цитрус ўсимликларга мослаштириб борила-ди. Технология шундай аниқликка эгаки, у ҳатто деразаларнинг қандай қияликда очилишини ҳам назорат қила олади. Янгилик қишлоқ хўжалиги

маданияти юксалишига муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

Ихтиро турли иссиқхонада синодан ўтказилди. Натижа шуни кўрсатмоқдаки, ҳаво ҳароратини мўътадиллаштириб туривчи ушбу технология кўпроқ замонавий усулда қурилган иссиқхона-лар учун кўл келмоқда. Унинг нархи ҳам ҳамён-боп. Мавжуд иссиқхона "ақлли иссиқхона"га айлантириш харажати ўртача 3 миллион сўмга яқин бўлади. Мазкур ихтиро ҳар бир хонадонда иссиқхона барпо этиб, мўмай даромад олиш учун айна мудабо.

Ихтирочи яратган "ақлли иссиқхона" техноло-гиса ҳам таъмир газ, ҳам электр энергиясида ишлай олади. Бундан ташқари иссиқхонадаги намликни ҳам назорат қилади. Намликни сақлаш ўсимлик парваршида жуда муҳим саналади. Тупроқ остига ўрнатилган сезгир элементлар иссиқхона ҳудуди-нинг қаерига, қанча намлик кераклиги ҳақидаги хабарни бошқарув пултига етказишади. Тупроқ шунга қараб намлантириш борилади.

— Уйимиздаги иссиқхонада оилавий меҳнат қилардик, — дейди ихтирочи Абдухалил Самадов. — Баъзида қишнинг аёзли кунлари иссиқхонадаги мўътадил иқлимнинг ўзгариб кетиши барча меҳ-натимизни бир лаҳзада йўққа чиқариб юборарди. Уша пайтлардан бери мана шу муаммони қандай ҳал этиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб келардим. Кўп китоблар ўқидим, чет эл тажрибаси билан танишиб чиқдим. Мана, ниҳоят ўз мақсадимга етишдим. Ҳали шу йўналишда ўйлаб кўйган кўп режаларим бор. Насиб этса, бор куч-ғайратим, шижоатим ва ақл-заковатимни одамлар оғирини енгил қилиш, жами-ятимиз ривожига ҳисса қўлишимга сафарбар этман.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мазкур янгилик дастурхонларимиз тўқинлиги, ризку насибамиз янада ортиши, деҳқонлар меҳнатининг табиат инжиқликларига қарамасдан қадр топиши ва энг муҳими, юртимизнинг мана шундай билимли, изланувчан фарзандларини дунёга танитишга ҳисса қўшади. Қолаверса, ихтиронинг бу янги-лиги Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида ўзига хос туҳфа бўлди.

И. НОРМАТОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРИ ЖАРИМАГА ТОРТИШ ДЕГАНИ ЭМАС

Ёнги хавфсизлигини таъминлаш — осийшмакликнинг муҳим омилларидан. "Тил-сиз ёв" инсон билан ҳеч қачон ҳисоблашмайди.

Президентимизнинг 2017 йил 23 майда қабул қи-линган "Ички ишлар органлари ёнги хавфсизлиги бўлиммалари фаолиятини тубдан такомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғрисида"ти қарориди ёнги хавфсизлигини барча даражада таъминлашга доир фаолиятни такомиллаштириш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар раҳ-барлари зиммасига уларга қарашли объектлар ва ҳудудларда ёнги талабларига риоя этиш бўйича шахсий жавобгарлик юклатилган. Учтепа туман ИИБнинг ёнги хавфсизлиги бўлими ҳам мазкур қарор ижроси доирасида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХББ ходимлари ишти-роқда туман ҳудудида жойлашган ҳовли, кўп қаватли уйлар, таълим муассасалари ва хусусий фирмаларда мунтазам равишда ёнги хавфсиз-лигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, профилактика тадби-рининг бир қунида тумандаги кўп қаватли 28 уйда


жойлашган 827 хонадон текширувдан ўтказилди. Аҳолига ёнги хавфсизлигини таъминлаш борасида зарур тавсиялар, ёнги хавфи мавжуд бўлган ҳолат-лар юзасидан туман ҳокими, маҳалла жамғармаси раиси ва туман газ таъминоти идораси раҳбари номига тақдимномалар берилди.

Бу каби профилактика тадбирларидан аҳоли хонадонларини кўздан кечириб, уларни жаримага тортиш кўзда тутилмаган, албатта. Жойларда ёнги хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаёт-ган профилактика тадбирларида мунтазам иштирок этиб, шунга амин бўлиш мумкинки, бундай тадбир-лар мақсадли халигача ҳамма ҳам тўлиқ тушуна-вермайди. Профилактика тадбирлари аҳолининг шахсий мол-мулки, уй-жойи ва ҳаёт хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Бунда, энг аввало, улар манфаатини ҳимоя қилиш назарда тутилган. Бу эса жойларда тарбиот ишларини мунтазам ва изчил олиб бориши тақозо этади.

Улугбек АҲМЕДОВ,
Учтепа тумани ИИБ
ЁХББ инспектори,
кичик сержант

“МАҚОМ ИЛК МАРТА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАҚОМ САНЪАТИ НОМИНИ ОЛДИ”

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.



“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”нинг бешинчи жилди 320-бетда Отаназар Матёқубов ҳақида маълумот бор. Унда келтирилишича, Отаназар Матёқубов 1946 йилда туғилган. 1970 йилда Ўзбекистон давлат консерваториясини битирган. Бундан роппа-роса 30 йил муқаддам Ўзбекистон санъат арбоби, ундан кейин Қорақалпоғистон Республикасини санъат арбоби унвонини олган. Консерваторияда Шарқ мусиқаси кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари доктори, профессор...

манбаларда руҳ инсон танасига соз орқали киритилгани айтади. Ўзбекистон мумтоз мусиқий меросга бой диёр саналади. Бу заминда нафақат Шарқ, балки жаҳон мусиқий тафаккури тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган Форобий, Хоразмий ва Ибн Сино, Ғазолий, Навоий, Бобур, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Комил Хоразмий каби аллолар мусиқий етиштиришчилар. Улар яратган бой ва мўътабар илмий мерос ҳанузгача ўз қадр-қимматини йўқотган эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ бир гуруҳ юрдашларимиз мамлакатимиз илм-фан, адабиёт ва санъатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, заманун долзарб ижодий ишлари учун давлат мукофоти билан тақдирланди. Улар орасида сизнинг ҳам борлигингиз, албатта, барча одам ақлини беҳад қувонтирди.

Қадимги Римда давлатнинг тўрт асосий устуни бўлган: биринчиси — филология. Улар барча давр илминин билган. Иккинчиси — ҳарбий кўшиқ. У давлатни ёвдан ҳимоя қилган. Учинчиси — табиб. Тўртинчиси эса мусиқа. Мусиқа ҳам давлатнинг, ҳам инсоннинг руҳини созлайди — тозалайди. Хоразм шоҳи Муҳаммад Раҳимхон I давлат ишларига киришишдан аввал ярим соат дутор чалар экан.

Юсуф Хос Ҳожиб: “Кимки эрур қалби бенаво, На ўлжидир, на тиркидир, дарди бедаво”, деб айтган.

Сиз мусиқашунос, ҳам назариётчи, ҳам амалиётчи олим сифатида нафақат Ўзбекистонда, ҳеч иккиланмасдан айта оламиз, жаҳонда ўз ўрнига, ўз сўзига эга мутахассис саналасиз. Шу боис бугунги суҳбатимизда асосан жамият, халқ ва шахнинг ўзлигини англашида мусиқанинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритамиз. Демак, дастлабки саволимиз қуйидагича: мусиқа қандай ҳодиса ўзи? Уни қандай идрок қилганимиз маъқул?

Наво ҳақиқий наво бўлиши учун камидо учта сифатга эга бўлиши керак: оҳанг, сўз ва ҳаракат мутаносиблиги. Адабиётшунос олим Эргаш Фозиловнинг “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” китобида “наво” сўзининг ўндан ортиқ муқобили келтирилган. Улардан бири Махжун. Махжунга ҳеч нарса — йўл ҳам, дунё ҳам керак эмас. Чунки у ўз йўлини — Худони топган. Демак, навонинг яна бир луғавий маъноси йўл экан.

Деди: қайдин сен, эй махжун гухро, Деди: Махжун ватондин қайда огоҳ.

Отаназар МАТЁҚУБОВ: — Гап мусиқа ҳақида борар экан, суҳбатимизнинг бо-ришини, пайравини чеклаш, чегаралаш қийин. Лекин шундай бўлса-да, барибир жўл экан.

Махжунга Ватан керак эмас, Лайли бўлса бас. Ундан кейин Лайлидан ҳам воз кечади. Лайли: “Қайс, бу менман”, деса ҳам қарамайди.

Айни пайтда илм-фан, санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари вакиллари-нинг машаққатли меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни доимий рағбат-лантириш борасидаги амалий ташаббуслар ижод ақлини янгидан-янги марралар сари руҳлантиришда. Қаранг, биргина 2017 йилда давлатимиз раҳбари томонидан санъат, хусусан, мусиқа билан боғлиқ бир неча ҳужжат имзоланди. Улардан бири, 2017 йил 17 ноябрда эълон қилинган “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” бўлди. Давлат раҳбари қарорининг ҳар бир сўзи, одатда, юз чиғириндан ўтади. Унинг номланганининг ўзиданоқ мамлакатимизда қадимий ва бой маданиятимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш, буюк аждодларимиз қолдирган маънавий меросни ўрганиш, тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилаётгани англашляди. Ахир ўзингиз ўйланг, мақом деган сўзи бир пайтлар шивирлаб айтар дедик. Мақом деб эмас, қандайдир сунъий ибора — оғзаки аънаъадаги профессионал мусиқа, дейиларди. Ушбу қарорда миллий қадриятларимиз, жумладан, бой маданий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган ўзбек миллий мақом санъати ва унинг йўналишларини кенг тарғиб қилиш, омма-лаштириш, энг муҳими, мақом ижрочили-гини ривожлантириш назарда тутилган. Эътибор қилайлик, мақом илк марта “Ўзбек миллий мақом санъати” деб аталмоқда!

Навонинг яна бир муқобили машраб, учинчиси дарвеш...

Чин маънодаги юксак, бадий баркамол мусиқий асар тингловчи дидини чарчлатиш, унинг санъат, ҳаёт ва умуман, борлиқ ҳақидаги фалсафий фикрларини янада тереқлаштириш, тиниқлаштириш барчага аяши аён. Шу ҳақда гап борар экан, айтиш жоиз, глобаллашув истасан-гиз ҳам, истамасангиз ҳам худди Куёш Ер атрофида айланганидек, қонуниятга ай-ланб қолди. Ривожланиш, юксалиш учун бугун фақат иқтисодийнинг ўзи етарли эмас. Айни шу маънода мусиқанинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни жуда муҳим. Қуръони каримда мусиқа, оҳанг, куй деган сўз йўқ. Лекин Оллоҳнинг ўзи Гўзалдир ва Гўзаллик унга мақбۇлди, мазмундир оят бор. У Гўзаллик тарафдори: ҳамма на-рсанинг Гўзал бўлишини истайди. Мусиқа, оҳанг ана шу Гўзалликнинг энг асосий омил ва воситаларидан бири. Муқаддас

Хуршид ДўСТМУҲАММАД: — Китобларингизни ўқиб, менда бир са-вол пайдо бўлган. “Сўз тузган жойда куй бошланади”, деган жумлани кел-тиргансиз. Қизиқ, мусиқа сўздан аввал пайдо бўлмаганми? Шахсан мен куй сўздан қадимийроқ, деб ўйлайман. Куй фольклори бор, сўз фольклори бор. Уларнинг муштарак жиҳатларини тушунтириб берсангиз.

Отаназар МАТЁҚУБОВ: — Бир куни тақдир тақозоси билан Хоразм танбур чизиги нотаси қўлимга тушиб қолди. Уни 30 йил ахтарганим рост: изламаган, сўралмаган жой қолмаган. Қўлёзгани олти ой тозаладик, муқоваласдик. Яна олти ой деганда Биринчи Президентимиз Ислол Каримовга киритдик. “Бу нима?”, деди. “Нота” дедик. Қизиқиб, олиб кўрди. Унинг бир жойида “генетик код”, деб ёз-ган эканман. Танбур чизиги ўндан чапга ўқилади. Худди кардиограммага ўхшайди. Кутилмаганда “Буни менга куйлаб бер-чи”, деб қолди. “Бу ўндан чапга ўқилади”, деганимни биламан, “код бўлса фарқи нима”, деган жавобни эшитдим. Ҳақиқатан ҳам кодда белгилар тартибининг фарқи йўқ. Шу нарса ҳақ хабарга келмаганини қаран-гиз! У кишидан тарғиб қилиш, омма-лаштириш, энг муҳими, мақом ижрочили-гини ривожлантириш назарда тутилган. Эътибор қилайлик, мақом илк марта “Ўзбек миллий мақом санъати” деб аталмоқда!

Отаназар МАТЁҚУБОВ: — Бунинг ўзига хос тарихи бор. Ўша пайтдаги Бухоро республикасида тўртта вазиралик бўлган. Уларнинг бири Маориф вазирилик, деб аталган. Мактаб ва мусиқа таълими ана шу вазирик тасарруфида бўлган. Фитрат маориф вазири лавозимда ишлаган. У Файзулла Хўжаевнинг устози саналади. Мадрасани тутатганидан сўнг, Туркия-да таълим олади. Европа ҳаёт тарзини, рус тилини ўрганади. Ҳатто Карл Маркс асарини ҳам таржима қилган. Уларнинг мақсади дунёвий давлат қуриш бўлган — ўша даврда рус-тузем мактаблари очилган. Унда ҳам ўзбек, ҳам рус тили ўқитилган. Ўзбеклар рус, руслар ўзбек тилини ўрганган. Жаҳидлар рус тилини яхши билган. Улар тўртта тилни билиш шарт, деб ҳисоблаган.

Чин маънодаги юксак, бадий баркамол мусиқий асар тингловчи дидини чарчлатиш, унинг санъат, ҳаёт ва умуман, борлиқ ҳақидаги фалсафий фикрларини янада тереқлаштириш, тиниқлаштириш барчага аяши аён. Шу ҳақда гап борар экан, айтиш жоиз, глобаллашув истасан-гиз ҳам, истамасангиз ҳам худди Куёш Ер атрофида айланганидек, қонуниятга ай-ланб қолди. Ривожланиш, юксалиш учун бугун фақат иқтисодийнинг ўзи етарли эмас. Айни шу маънода мусиқанинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни жуда муҳим. Қуръони каримда мусиқа, оҳанг, куй деган сўз йўқ. Лекин Оллоҳнинг ўзи Гўзалдир ва Гўзаллик унга мақбۇлди, мазмундир оят бор. У Гўзаллик тарафдори: ҳамма на-рсанинг Гўзал бўлишини истайди. Мусиқа, оҳанг ана шу Гўзалликнинг энг асосий омил ва воситаларидан бири. Муқаддас

Демокриманки, мусиқий меросимиз фойта бу ва бетакор. Юқорида номи келтирилган тадқиқотлар миллий мусиқа санъатимизнинг чексиз уммонидан то-чи холос. Яхши асарнинг асл маъноси унинг боши, охири ёки ўртасида эмас, бутунлигида. Сўз ва куй ўзаро муштарак. Фольклорнинг ўзига хос хусусияти унинг синкретиклигида. Лекин мумтоз куй муайян тизимга солинган, шаклланган. Айрим олимлар ҳаракат сўз ва куйдан ҳам олдин пайдо бўлган, дейди. Буни Оллоҳга мурожаат қилинаётганда биринчи сўз айтадиларми ёки ҳаракат қилинадилми тарзида есибталашга ҳаракат қилишди. Сўз шундай бир оламки, унинг ҳар бирининг камидо 20 та жилоси бор. Куй эса атиги 7 та белги, нотадан иборат. Лекин унинг чеку чегараси йўқ — тугамайди, ҳад-худуд бил-майди. Куй илгари “тарик”, “роқ”, “парда”,

“наво” дейилган. XIII асрга келиб мақом деб атала бошланган. У дастлаб арузнинг мусиқий доираларини англатган. Мақом тушунчаси анча кейин пайдо бўлган, лекин у универсал хусусиятга, математик асосга эга. Эътибор беринг, ракетани коинотга учуришдан олдин дастлаб аниқ ҳисоб-китоб қилинади. Учиши ва кўниши билан боғлиқ барча жараён аввал ерда пиширилади. Сониянинг ҳатто мингдан бир улусига ҳам хато қилинса, у оёғи эмас, бошқа сайёрага учиб кетиши, алақоқибат ҳалокатга учраши мумкин. Худди шундай, сўз, оҳанг ва ҳаракатни бир-бирдан айро тасаввур қилиб бўлмайди.

Хуршид ДўСТМУҲАММАД: — Китобларингизда мақомнинг бир неча йўналиши — Бухоро, Хоразм, Фарғона-Тошкент, Қашқадарё-Сурхондарё мактаблари мавжудлиги қайд этил-ган. Булар қачон пайдо бўлган, қачон шаклланиган? Улар шаклланишидан сўнг бир жойда қотиб турадилми ёки муайян эволюция жараёнини бо-шидан ўтказадими? Қайси бирида эволюция, қайсинида регресс кўпроқ? Ёки ҳаммаси бир қонуниятга бўйсунадими?

Отаназар МАТЁҚУБОВ: — Албатта, ҳамма нарсанинг ўз ривожланиш қону-нияти бор. Мендан кўпчилик мақомларни нега “мақомот” дейсиз, деб сўрашади. Мақомот — бу атама, турланмайди. Яъни мақомнинг арабчадаги кўллиги.

Мақомот дейилганида таркибига Бухоро “Шашмақом”и, Хоразм олти ярим мақоми, дутор мақомлари, Фарғона-Тош-кент мақом йўллари ҳам кирди. Лекин у пайтда ўзбек “Шашмақом”и деган атама бўлмаган. Бу сўз илк марта давлатимиз раҳбарининг қарори билан эътимомга кирди. Тожик “Шашмақом”и бор, нега ўзбек “Шашмақом”и, деб аталмаслиги ке-рак? Юнус Ражабий яратган ўзбек “Шаш-мақом”и юз фоиз ўзимизники. Ҳатто Бухоро “Шашмақом”и ўзбек “Шашмақом”идан фарқ қилади. Бухорода “Шашмақом”нинг ўз йўли, шеваси, мусиқий сайқали бор. Хо-разм “Шашмақом”и эса бутунлай бошқача. Эволюцияни ҳаётнинг ўзи амалга оширади. Эволюция — бу табиқий ўсиш, дегани. Революция эса мажбурий ўзгар-тириш. Эволюция созада ва эшитувчи томонидан муайян вақт давомида рўй беради.

Мақом куйга нисбатан фарқ қилади. У муайян лад асосига мос келувчи куй ва ашулалар мажмуасидан иборат. Фитрат “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китобида “Шашмақом”ни “олти қатор асос куй” деб айтди. Бу фундаментал илмий тушунча...

Хуршид ДўСТМУҲАММАД: — Маълумки, Туркистондаги уйғонувчи даври жаҳидлар билан бевосита боғлиқ. Айни шу даврда Абдурауф Фитратга мусиқа ҳақида рисола ёзиш нега керак бўлиб қолди?

Отаназар МАТЁҚУБОВ: — Бунинг ўзига хос тарихи бор. Ўша пайтдаги Бухоро республикасида тўртта вазиралик бўлган. Уларнинг бири Маориф вазирилик, деб аталган. Мактаб ва мусиқа таълими ана шу вазирик тасарруфида бўлган. Фитрат маориф вазири лавозимда ишлаган. У Файзулла Хўжаевнинг устози саналади. Мадрасани тутатганидан сўнг, Туркия-да таълим олади. Европа ҳаёт тарзини, рус тилини ўрганади. Ҳатто Карл Маркс асарини ҳам таржима қилган. Уларнинг мақсади дунёвий давлат қуриш бўлган — ўша даврда рус-тузем мактаблари очилган. Унда ҳам ўзбек, ҳам рус тили ўқитилган. Ўзбеклар рус, руслар ўзбек тилини ўрганган. Жаҳидлар рус тилини яхши билган. Улар тўртта тилни билиш шарт, деб ҳисоблаган.

Файзулла Хўжаев 1926 йилда, коммуни-стик партиянинг XVI съезиде жаҳидлар-нинг октябр революциясига қўшган ҳиссаси ҳақида маъруза қилади. Бу, та-биқийки Сталинга ёқмайди. Бухорога Ян Рудзулат бошчилигида комиссия юбо-ради. Улар Бухоро республикасини бош-дан-оёқ тафтиш қилади. Ушунда Фитрат Бухородан Москвага бадарга қилинади. Москвадаликка “Шайтоннинг Раҳмонга исёни”, “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” каби асарларни ёзади. Бу асарлар, албатта, бирининг топшириғи билан эмас, балки эҳтиёж туфайли дунёга келади. Улар шундай йўллар билан миллиятнинг руҳини, ўзлигини асраб қолмоқчи бўлган.

Мен В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида дарс берганман ва биламан: ҳозирги ёшларимиздан 10-15 йил ичида ҳақиқий мусиқачи ва мусиқашунос чи-қади. Дилором Омонуллаева, Алишер Кро-мов каби мусиқашунослар ана шу мактаб-дан чиққан. Нимасини айтасиз, шундай замонар бўлдики, эшикни беркитиб олиб мақом айтардик. Энди-чи? Ешларнинг мусиқий диди, бадий савиясини тобора юксалтириш, мусиқа таълимини сифат ва

мазмун жиҳатдан янги, юқори босқичда ташкил этиш, ўғил-қизларни миллий му-сиқий мероснинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш масаласига устувор аҳа-мият қаратилмоқда.

Хуршид ДўСТМУҲАММАД: — Қа-ранг, бир пайтлар, эшикни беркитиб мақом айтишган. Бугун мақом айтигин, деб қарор чиқиб турибди...

Отаназар МАТЁҚУБОВ: — Бир куни маъмуриятга уйдан дуторимни олиб ке-либ қўй, болалар чалиб юрсин, дедим. Мабодо ким сўраса эсимдан чиқиб қолиб кетибди, деб айтман, майли, у бироз ақл-дан озган, деб айтсанлар ҳам розиман, дедим. Лекин маъмурият рози бўлмади — нима истасанг қил, лекин дутор олиб кела қўрма, деди. (Чунки акс холда мактабда болалар пианино эмас, дутор чаламиз, деб қолиши мумкин-да).

Ушбу академик лицейга яқин жойда истиқомат қиламан. Қарасам, бир ўқувчи кўлида соз кўтариб юрибди. Нима бу, де-сам, гижжак деди. Гижжак чаласанми ёки гижжакда ўқийсанми, деб сўрадим, йўқ, мен скрипкада ўқийман, деди. Билсам, ҳозир уларга ўзи истаган бошқа бирорта созини ҳам танлашга ижозат беришган экан.

Скрипка билан гижжакнинг зоҳиран фарқи йўқдай. Лекин скрипканинг тембри гижжакникига сира ўхшамайди. Айтмоқчи бўлганим — болаларимиз аввал миллий созларни чалишни ўрганган. Европала-шиб бўлганидан кейин улардан биз кутган мусиқачи чиқмайди...

Шу ўринда ўзимнинг бошимдан кечган бир воқеани сўзлаб берсам. Бухорода мактабни аъло баҳога тамомлаб, Тош-кентга, консерваторияда таҳсил олиш учун келганман: Бетховеннинг бешинчи сонатасини чалиб берсам ҳам ўқишга қабул қилишмади. (Уни ҳозир консерва-торияда ўргатишади). Пианинода махсус ўқиманган — яхши устозим бор эди, ўша кишидан ўрганганман. Тайёргарли-гинг сўст, бу чалишинг бўлмайди, дейи-шди. Тўғри, Успенский мактабиде ўқиган, мендан устунлар бор эди. Бу менга қаттиқ таъсир қилди, дадамага телефон қилдим: мен қабил қилишмади, пианинодан паст балл қўйишди, Москвага кетаман, дедим. Тез орада дадам Тошкентга етиб келди — Комилжон Отаниёзовнинг уйига бордик. Комилжон ака консерваторияга кўнгирак қилиб: Ҳамиджон, бу пианинони сендан ҳам яхши чалади-ку, нега олмадиларинг, деди. У эса “Комилжон ака, энди талаб шундай, нима қилайлик”, деб тушунтир-ган бўлди. “Э, талабинг курсин сенинг, “кар”ларни индамай олаверсанг”, деди Комилжон ака. Ҳайрлашаётиб дадама бунингни Москвага юбора кўрма, ўри-слашиб кетади, деб тайинлади. Бу гапнинг тағида бир олам маъно бор. Камини бир китобни ўзбекча ёзсам, иккинчисини рус тилида битаман. Бу, албатта, меннинг ютуғим, бирок шунга қарамай инсон ха-рактери дейимизми, психологияси — мил-лийликдан узоқлашмасе, энг муҳими шу.

Гапнинг сирасини айтганда, ўзбекчи-лик гердаий эмас, аксинча, ўзлгининг англаш. Қани, айтинг, европаликдан биз-нинг нимамиз қўқ? Ўзбекистон маданияти азалдан икита муҳим омилга тааянган. Биринчисини халқимизнинг қадимги аъ-на ва урф-одатлари, мустақкам миллий қадриятларимиз ташкил этса, иккинчиси бу кенг қўламли ўзгаришлар, жаҳон ма-данияти ютуқларидан ўрнак олишдир. Мусиқа, театр, рассомлик, шеърят, ада-биёт соҳасида кўплаб улкан ютуқларга эришилаётгани ҳам ушбу икки омил самарасидан далолат беради. Биринчи Президентимизнинг бир гапи ҳеч ёдимдан чиқмайди. Қайсидир давлат вакили Шоҳи-зиндани таъмирлашга қанчадир маблағ берамиз, депти. Ислол Каримов ўшунда гап пулда эмас, ким билан бўлмасан тик туриб, тенг бўлиб гаплашинлар, деганди. Шу гап қўлогимга қўйилиб қолган. Эъти-бор беринг, тенг дегани бошқаларни ме-носмаслик эмас, аксинча, уларни ҳурмат қилиш ва ўзи ҳам ҳурматга эга бўлишни англашди. Халқимизда “ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан”, деган нақл ҳам бор-ку! Тасаввур қилинг, Навоийнинг ўзбек экани-ни бировга исботлаш шартми? Уни шун-дай ҳам бутун дунё танийди. Худди шу каби миллий мақом санъатимизни ҳам бутун дунё билади. Ўзлик — гердаий эмас, маъсуляти, дегани.

Хуршид ДўСТМУҲАММАД: — Унинг ёнига яна бардош, чидам ва иродани ҳам қўшасан, нима дейсиз, Отаназар ака? Чунки Нажмиддин Кавкабийдан бошлаб Фитратгача бўлган замон-ларда мумтоз мерос, яъни мақомни эъзозлаш эмас, тақхирлаш, тепкилаб йўқотиш авж олган эдимми, ахир!? Ёки узоққа бормайлик, мустабид таузуқ ҳукмронлик қилган йилларда Отаназар Матёқубов турли укубатлар-га гирифтор қилинмаганми? Шахсан ўзим гўмга бўлганман. “Матёқубовни

гапирманг”, дейишарди. Айби — би-лимдон, айби — бўйсунмас, айби — ўзлигини англаган. Айби — ичи тўла мақом, мақоми баланд. Отаназар Матёқубовнинг ўзлигини, шахсини, интеллектини, бадий тафаккурини ушлаб турган ўзақ бу — мақом, оҳанг, соз. Улкан санъаткор Комилжон Отаниёзовга минг раҳмат, ўша вақтда сиз-ни Москвага юбортирмагани учун. Бу — ўзақни мустақкамлайдиган муҳим омиллар. Ўзингиздан қолар гап йўқ, катта ашула ноёб, айни пайтда фойта машаққатли санъат туридир. Мақом-ни ижро этишгина эмас, балки уни тинглаш, маънавий озуқа олиш ҳам тингловчидан муайян тайёргарлик талаб этади. Қадимилар айтганидек, “Яхши назариёт — энг афзал амалиёт-дир”. Шундай эмасми?

Отаназар МАТЁҚУБОВ: — Яқинда “Янги майни эски кўзада сақлаб бўлмас”, деб номланган мақола ёздим. Мақом-нинг “маънавий эскирган” жойларини олиб ташлаш керак. Шунда у аста-секин тозаланади. Фақат биз энди унга бошқа гард юқтирмаслигимиз лозим. Тозалаш қўлимиздан келмас экан, уни чўғур ў-рганайлик, фарзандларимизга ўргатайлик.

Ўн уч ёшлигимда форс тилини уч ойда ўрганганман. Бу билан ҳар нарсанинг ўз вақти бор, демоқчиман. Бугун ёшларга ургу бераётганимизнинг сабаби шунда. Ҳозир мақомни Абдуҳошим Исмоилов, Муножот Йўлчиева, Маҳмуджон Тожибо-евдек биладиган санъаткорлар йўқ, лекин эртага улардан ҳам ўтадиган ёшлар чиқи-шига ишонаман. Зеро, Президентимиз қароридан кутилаётган асл мақсад ҳам шу. Қолаверса, бугун миллий санъатимиз-да юз бераётган ижодий ўзгаришларни кўриб, ижод қилишга, янгилик яратишга иштиёқимиз яна-да ортиб бормоқда.

Шу жойда Нажмиддин Кавкабийнинг бир шеъри хаблимга келди. У Жомий ва Навоий замонида бўлган. Ўша даврда унга тенг келадиган мусиқашунос топилмаган. Уни “Шашмақом”нинг отаси, деб аташ мумкин. Лекин у пайт “Шашмақом” эмас, “Кулиёт” дейилган. У амалда мавжуд жами парда, лад ва усулларни ўзида жамлаган. Нажмиддин Кавкабий: “Мусиқа шундай сир-асрорки, у Раҳмоннинг хос бандала-ригига муассар бўлур”, дейди. Форсийда ёзилган рисоласининг сўнггида шундай тўртлик бор:

Пардали бўл, деди наққоши азал, Баҳсда қилмаган кўп жадал. Қалбини зийнатин, десанг азар, Гап-сўзни йиғиштир, кўрсатгин амал.

Нажмиддин Кавкабий айтганидек, энди гап-сўзни йиғиштириб, амал қилиш фурсати келди.

Хуршид ДўСТМУҲАММАД: — Отаназар ака, мақомни тарих ёки фал-сафа ҳам, дейиш мумкинми? Мақом йўлидаги мумтоз куй-қўшиқларимиз тингловчи руҳига ҳаловат, таскин, ўзи-га хос маънавий қувват бағишлайди. Уни тинглаганда аждодларимизнинг олис ўтмиши, дард-изтиробрлари, орзу ва армонлари кўз олдимизга келади. Шунингдек, у ҳар қандай зиёли ки-шини мушоҳада юритишга, тафаккур қилишга ундайди...

Отаназар МАТЁҚУБОВ: — Мақом, инчунин, адабиёт, бадий тафаккур дегани ҳам. Масалан, танбур чизигида “Рост” мақоми бошидан охиригача Мунис, “Наво” мақоми Огаҳий, “Сегоҳ” ҳазрат Навоий, “Дугоҳ” Феруз, “Бузурук” эса Комил Хораз-мий шеъри билан айтилган. Феруз бу бой меросни ҳар томонлама асраб-авайлаш, келажак авлодга бус-бутун етказиш учун кўп иш қилган. Ўша шароитда бу чина-кам жасорат намунаси эди. Уни тартибга солган ҳам, танбур чизигини яратган ҳам, миллий мусиқа санъатимиз ривож-и йўлида фидойийлик кўрсатган ҳам Феруз. Сирасини айтганда, халқимиз ўзининг улус сиймоларини ҳеч қачон унутмайди. Уларнинг ижодий мероси ҳар биримиз учун қадри ва ардоқлидир.

Албатта, кейинги йилларда ёшларнинг мусиқий диди, бадий савиясини тобора юксалтириш, мусиқа таълимини сифат ва мазмун жиҳатдан янги, юқори босқичда ташкил этиш, ўғил-қизларни миллий му-сиқий мероснинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш масаласига устувор аҳа-мият қаратилмоқда. Шу маънода санъат йўналишида таҳсил олаётган талаба ва ўқувчиларга мақом санъати борасида алоҳида дарслар ўтилиши маданият соҳа-сига энди қадам қўйиб келаётган ёшларда миллий ўзликни англаш туйғуси, юксак ба-дий эстетик дид ва тафаккур шакллани-шида муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, халқимиз маданий меросидан ёшларимиз ҳам баҳраманд бўлиши, ҳам ўрганиши шарт. Жорий йил биринчи қўрс, келаси йил яна бошқа гуруҳ болаларига мақом санъати борасида алоҳида дарслар ўти-лади. Яъни революцион эмас, эволюцион

йўл билан ўргатамиз.

Америкада метрополитен опера, деган санъат тури бор. Россия телевидениесида “Большая опера” деган кўрсатув эфир-га узатилади. Уни ёшларимиз, албатта, кўриб-кузатиб бориши керак, бу фойда-дан холи эмас. Чунки опера кўшиқчилик санъатининг энг юксак тури саналади. Унинг ичида симфония ҳам, театр ҳам, артистизм ҳам, овоз ҳам, соз ҳам бор. Таъбир жоиз бўлса, биздаги мақомни операга бемалол тенглаштириш мумкин. Унинг ичида ҳам ҳамма нарса мавжуд. Шу боис Президент қарорига мувофиқ мақом алифбосини жорий этишга — юртимизда миллий маданиятимиз ва санъатимизни раванқ топтириш, унинг бебаҳо наму-наларидан халқимизни баҳраманд этиш, ёшларнинг мусиқий дидини ўстириш ма-саласига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Муҳим жиҳат — илгариги кезларда зиёли оила уйда дутор осийлиқ турган. Бугун майли дутор бўлмаса, гитара тур-син. Уйимизда бирорта соз турса, уни, албатта, фарзандларимиз ёки набира-ларимиз кўлига олиб чалишга уринади. қизиқиб пайдо бўлади. Мақом олдин ҳам оммавий санъат ҳисобланмаган. Унинг фақат оммавий шўъбачалари нисбатан кенг тарқалган.

Ферузнинг Матёқуб Позачи, деган ашулачиси бўлган. Бир куни Бухоро амири Абдулахадхон Феруздан шу кўшиқчини юборишини сўрайди. Позачи Бухорога борганида тўй борлигини, ундан шуларни ҳам ўтказиб беришини илтимос қилиша-ди. Феруз, табиқийки, бундан хабар топади. Ҳатто тўй эгалари кимлигини ҳам билган. Албатта, дарров ашулачига бир нима де-майди: пайт пойлайди. Бир куни Позачи мусиқа чалаётганида бир пардани сал бузиб ў

Бизнинг шарҳ

ЗАМОНАВИЙ, ЗАРАРСИЗ, КАМХАРЖ, ЛЕКИН...

ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР — КЕЛАЖАК АВТОУЛОВИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

2011 йилда Японияда юз берган даҳшатли цунамидан таъсирланган япониялик кашфиётчи Хидео Цурумаки яқинда сузувчи электромобил иختиро қилди. Кашфиётчи унинг электромобили бир кун келиб оила аъзолари ва фуқароларни табиий офат — сув тошқинларидан омон қилишида асқотишига ишонади...



Оммавий ахборот воситаларида ана шундай кашфиётлар, инновацион технологиялар ҳақидаги хабарлар кун сайин кўпайиб бормоқда. Бугунги техника ва технологиялар асрида ҳатто ўзи ҳаракатланадиган, ҳайдовчисиз электр поездлар, электробуслар синовдан ўтказилаётгани, ҳаётга татбиқ этилаётгани айна ҳақиқат. Бундай кашфиётлар, албатта, узоқ ва машаққатли меҳнат маҳсули, изланишлар ҳосиласидир.

Электромобиллар кеча ёки бугун кашф этилган эмас. Дунёдаги илк электромобил 1841 йилда ишлаб чиқарилган. Башарти шундай экан, савол туғилиши табиий: нега унда бундай автомобиллар шу пайтгача кенг оммалашмаган? Бу саволга жавоб топиш учун автомобиль тарихига юзланамиз.

Дарҳақиқат, электромобиллар автомобиллардан аввал пайдо бўлган. Бироқ уларни қувватлаш мураккаб ва кўп вақт талаб қилгани боис ички ёнғун двигатели воситасида ҳаракатланадиган автомобилларга бўлган талаб юқори бўлган. Қолаверса, электромобиллар камроқ масофани босиб ўта олар эди. XX асрнинг 60-йилларида автомобилларнинг экологияга таъсир кўрсатиши, айниқса, ўтган асрнинг 70-йилларида кузатишга олиб келди. Сўнгги йилларда дунёда нефтьга бўлган талабнинг ошishi эса электромобилларга нисбатан эҳтиётнинг янада кучайишига сабаб бўлди.

Хабарларга кўра, 2017 йилда электр двигатели автомобиллар савдоси 2016 йилга нисбатан 57 фоизга ошди, 1,2 миллион донани ташкил этган. Электромобиллар савдоси бўйича Хитой етакчилик қилмоқда. Ушбу мамлакатда ўтган йили электромобиллар савдоси 72 фоиз ўсиб, 602 минг донага етган. 2017 йилда Европада 307 мингта, АҚШда 200 мингта яқин электромобил сотилган. Ўтган йил якуналарига кўра, дунё бўйича 3 минг 230 электромобил рўйхатдан ўтган бўлиб, 2018 йилда уларнинг сони 5 миллионга етиши кутилмоқда.

Бугун электромобиллар ишлаб чиқариш бўйича Хитойнинг "BYD", АҚШнинг "Tesla Motors" Германиянинг "BMW" компаниялари етакчилик қилмоқда. Халқаро энергетика агентлигининг маълумотларига кўра, 2030 йилга бориб, дунё бўйича электромобилларнинг сони етмиш бараварга кўпаяди ва улар 140 миллиондан ташкил қилади. Бу кунгига 1,8 миллион баррел нефтни, 7 фоиз бензинни иқтисод қилиш имконини беради.

Электромобилларнинг энг афзал жиҳати камхаржлиги ва экологияга деярли зарар етказмаслигида. Шу боис йирик мегаполис шаҳарларда экологик барқарорлиқни таъминлаш мақсадида электромобил ҳайдовчиларига турли имтиёзлар берилган. Масалан, Лондонда электротранспорт эгалари автотураргоҳлардан бепул фойдаланиши мумкин. Париж шаҳри маъмурияти фуқароларга электр автомобилларни ярим соатга бепул ижарага беради. Италия ва Швейцарияда мазкур масалага нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда. Масалан, Флоренцияда бензин ёнилғисига юрадиган автомобиллардан фақат маҳаллий аҳоли фойдаланиши мумкин. Швейцариянинг Церматте шаҳрида эса ички ёнғун двигатели машиналарда ҳаракатланиш бутунлай тақиқланган.

Германия ҳукумати 2011 йилда электромобилларни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш бўйича дастур қабул қилди. Бундан мақсад — 2020 йилга қадар мамлакатдаги электромобиллар сонини 1 миллион, 2030 йилга бориб 6 миллионга етказишдан иборат. Бунинг учун мазкур транспорт воситаларига қизиқиш ва талабни ошириш ҳам кўзда тутилган. Маълумки, мамлакатда имконияти чекланган фуқаролардан ташқари транспорт воситаларига эгалик қиладиган барча ҳайдовчи машиналарнинг двигатели ҳажми ва атмосферага чиқариладиган ис ва газларнинг миқдорига қараб солиқ тўлади. Дастур электромобил ҳайдовчиларини солиқ тўлашдан ўн йил озод этади. Бундан ташқари, дастур доирасида электромобиллар учун махсус автотураргоҳлар қуриши, алоҳида йўлақлар, қувватлаш нуқталарини барпо қилиш назарда тутилган.

Бундай савий-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун электромобилларга нисбатан талаб ошиб бораётди. Чунки улар бир қатор афзалликларга эга. Масалан, нефть ёнилғисига ёки мотор майи буткул керак эмас. Оддий автомобилларга нисбатан камхарж. Ҳаракатланувчи механизмларнинг озлиги туфайли ўзидан деярли шовқин чиқармайди. Уларни қувватладиган нуқталарни ёнилғи қуйиш шохобчаларидан фарқли ўлароқ исталган жойда, масалан, супермаркетлар яқинида ҳам ўрнатиш мумкин. Яна бир устунлиги мабодо йўл транспорт ҳодисаси юз берса, ёнғин чиқиши эҳтимоли жуда кам. Электромобил атмосферага заҳарли газларни деярли чиқармайди.

Бироқ улар камчиликлардан буткул холи эмас. Электрокар эгасининг асосий "бошогриги" — "улов"ни қувватлантириш учун жуда кўп вақт керак. Қолаверса, бундай транспорт воситалари тўлиқ қувватлантирилган тақдирда ҳам узоқ масофани босиб ўта олмайдди. Мисол учун, 24 киловатт-соат қувватга эга литий аккумуляторга эга электромобил 160 километр йўл босади. Борди-ю, иситишчи ёки совитишчи қувват фойдаланилса, тезлик 90-100 километрдан ошса, унинг қуввати атиги 80 километр масофага етиши мумкин. Боз устига литийли батареялар жуда қimmat туради.

Электромобиллар ички ёнғун двигатели билан ҳаракатланадиган машиналардан фарқли ўлароқ атмосферага ис ва газ чиқармайди. Бироқ тангининг иккинчи томони ҳам бўлганлик, ис газини автомобиллар эмас, балки уларни электр манбаи билан таъминладиган электрстанциялар чиқаради. Электрокарлар билан боғлиқ муаммо эса уларни ишлаб чиқариш жараёнида юзага келади. Чунки электромобилларни ишлаб чиқариш учун оддий ёнилғи ҳаракатланадиган автомобилларга қараганда икки баравар кўп энергия сарфланади. Бу электромобилларга ўрнатиладиган батарея билан боғлиқ. Германиялик олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, битта электромобил аккумуляторининг ҳар бир киловатт қуввати учун 125 килограмм ис ва газ чиқарилмоқда. Мисол учун, батареясининг қуввати 22 киловатт-соат бўлган электромобилнинг ишлаб чиқарилиши жараёнида атмосферага 3 тонна ис ва газ чиқарилади. Бу бензинда юрадиган автомобил 16 минг километр (100 километр учун ўртача 8 литр сарфланганда) масофани босиб ўтганда атмосферага тарқалган карбонат ангидрид миқдорига тенг дегани.

Электромобилларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ иккинчи муаммо — уларда фойдаланиладиган литий-ионли батареялари кўп миқдордаги кобальтни талаб қилади. Кобальт — табиятда учрайдиган ноёб металл саналади. Дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган кобальтнинг 60 фоизи битта мамлакат — Конго демократик республикаси ҳиссасига тўғри келади. Бу давлат эса дунёдаги иқтисоди энг заиф мамлакатлардан

саналади. Узоқ йиллардан буён Конгода давом этаётган уруш ва коррупция мазкур мамлакатни гуманитар инқироз ёқасига келтириб қўйди. Мазкур мамлакатда кобальтнинг 20 фоизи ноқонуний тарзда қўлда қазилмоқда. Бунга нафақат катталар, балки болалар ҳам жалб этиляпти. Конларда эса меҳнат шароити мутлақо талаб даражасида эмас. Шу боис инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар мазкур масалага бир неча бор эътибор қаратишди. Ташкилот ходимлари кончилар арзимаган пул эвазига ўз соғлиғи ва ҳаётларини хавф остида қолдираётганини аниқлади. Масалан, аксарият кончилар оддий қондаларга ҳам амал қилмайди, кобальт қазиб жараёнида тери ва ўпка касалликларига чалинишдан муҳофаза қилувчи кўлқоп, иш кийими ёки никобларни тақмайди.

"Электромобиллар биз ўйлаганчалик "гард-ғуборсиз" эмас. Харидорлар бундай машиналар Конгода болалар меҳнати, уларнинг жабрланиши ҳисобига ишлаб чиқарилаётганини ҳам ҳис қилишлари керак", дейди "Amnesty International" халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотининг бизнес ва инсон ҳуқуқи бўйича тадқиқотчиси Марк Даммет. Унинг сўзларига кўра, "болалар меҳнати ҳисобига қазиб олинаётган кобальт электромобиллар аккумуляторида фойдаланилмоқда, тагин "бундай автомобиллар атмосферага зарар етказмайди", деган ваҳ билан реклама қилинмоқда, инсон саломатлиги ва ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар эса эътибордан четда қолиб кетяпти". Мазкур мамлакатда кобальтни "ибтидоий" қазиб олишни ноқонуний қуролли гуруҳлар назорат қилади. Африканинг мазкур мамлакатда урушнинг ҳали-ҳамон давом этаётгани дунё бозорида электромобиллар, унинг асосий хомашёси бўлган кобальтга бўлган талабнинг ортиб бораётгани билан ҳам боғлиқ.

Электромобилларда фойдаланилаётган батареялар нафақат бугун, балки келажакда ҳам инсон саломатлиги ва экологияга жиддий зарар етказиши мумкин. Чунки бундай батареялар таркибида хавфли ва заҳарли моддалар мавжуд. Аксига олиб бундай автомобилларнинг литий-ионли батареяларини утилизация қилиш масаласига ҳали ҳам ечим топишгани йўқ. Бугун ана шундай батареялар кичкина электр ускуналари (уяли алоқа воситалари)да фойдаланилаётгани ва уларни утилизацияси қанчалик муаммо туғдираётгани ҳисобга олинса, ҳажми йирик бўлган бундай аккумуляторларнинг атроф-муҳитга етказадиган зарарини тасаввур қилиш қийин эмас. Бугун Европа Иттифоқи мамлакатларида бундай батареяларнинг атиги 5 фоизи утилизация қилинади. Қолганлари эса чиқинди сифатида ташлаб юборилади. Бу европаликларнинг озодликка риоя қилмаслигидан эмас, балки фойдаланиб бўлинган, яроқсиз батареяларни қайта ишлаш саноатининг оқсаётгани билан боғлиқ.

"Nissan" компаниясининг ҳисоб-китобларига кўра, электромобилларнинг бир килограмми литий-ионли батареяларини утилизация қилиш учун бир евро харажат қилинади. Ундан керакли материал ажратиб олиш ҳам жуда кам миқдорни ташкил этади. Экспертлар литий-ионли батареяларнинг утилизация қилинмаслиги яқин келажакда экологик барқарорликка хавф солиши мумкинлигини башорат қилмоқда. Бугунги кунда дунё бўйича 3 миллиондан зиёд электромобиллардан фойдаланилмоқда. Агар Халқаро энергетика агентлигининг башоратлари амалга ошиб, 2030 йилга бориб бундай автомобиллар ишлаб чиқариш етмиш бараварга ошса, унда яқин 12-13 йил ичида инсоният олдида 11 миллион тонна литий-ионли батареяларни утилизация қилиш масаласи кўндаланг бўлади. Бу муаммонинг ечимини эса ҳозирча топишгани йўқ.

Халқимизда "ҳар тўқисда бир айб", деган нақл бор. Электромобиллар қанчалик камхарж бўлмасин, уларнинг аккумулятори атроф-муҳит ва инсон саломатлигига жиддий хавф солади. Бу эса дунё электромобил саноати мутахассисларидан бу соҳада чуқур изланиш олиб бориш, бундай транспорт воситалари учун хавфсиз хомашёлардан фойдаланиш йўлларини излаш ва уларни амалиётга татбиқ этишини тақозо этади.

Шаҳзода ҒАФФОРОВ, "Milliy tiklanish" шарҳловчиси



ИНСОНИЯТ ҚАЧОН МАРСГА ҚАДАМ ҚЎЯДИ?



Буюк британиялик фазогир Тим Пикнинг фикрича, инсонлар Марс сайёрасига 20 йилдан кейин кўна оладилар, деб ёзади "ria.ru".

Унинг айтишича, бунда коинот соҳасида фаолият юритувчи хусусий компаниялар муҳим роль ўйнайди. Фазогирнинг таъкидлашича, яқинда АҚШнинг "SpaceX" компанияси амалга оширган "Falcon Heavy" ракетаси парвози коинотни забт этишдаги янги даврни бошлаб бериши. Пик Ой яқинида станция (Deep Space Gateway) яратиш лойиҳаси коинотни тадқиқ этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этишига ишонч билдирди.

"Биз коинотни забт этишнинг янги даврига кирмоқдамиз. Фикримча, одамларнинг Марсга кўниши 2030-йиллар охирида юз беради", деб айтган фазогир.

Пик МКК-46/47 коинот экспедицияларида иштирок этган. У Халқаро коинот станциясида 186 кун фаолият юритган.

ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТР СКУТЕР



Франциянинг "Archos" компанияси мобил операция тизим — "Android"да ишлайдиган дунёдаги илк электр скутерни тақдим этди. Бу ҳақда "Nation News" агентлиги хабар тарқатган.

Алюминийдан тайёрланган скутер "Citee Connect" деб номланди. У бир марта тўлиқ қувватланганидан сўнг шаҳар кўчалари бўйлаб соатига 22-25 километр тезликда 22 километргача бўлган масофани босиб ўтиши мумкин. Скутернинг оғирлиги — 13 килограмм. У 100 килограммгача бўлган оғирлиқни кўтара олади. Қурилма 8,5 дойлик химояланган филдирлар билан жиҳозланган, қуввати 250 ватт бўлган двигателга эга.

Бундан ташқари, скутер зарбалар ва ёмон об-ҳаводан химояланган мультимедия панели билан жиҳозланган бўлиб, унга смартфоннинг барча функцияси киритилган. Дисплей руль ўртасида жойлашган бўлиб, тўрт ядроли процессор, 1 гигабайт тезкор хотира, 8 гигабайт флеш-хотирага эга. У мобил операция тизим — "Android Oreo" асосида ишлайди. Таъкидлашича, "Archos" скутери "Google Maps" (Google харита) билан ҳамохан тарзда ишлайди.

Скутер тақдими МWC — 2018 кўргазмасида бўлиб ўтади. Унда яна иккита "Archos Citee Power" ҳамда "Archos Citee" номли скутерлар намойиш этилади.

ЧОЙНАК 800 МИНГ ДОЛЛАРГА СОТИЛДИ



Буюк британиялик хусусий коллекционер аукционда чинни чойнакни 800 минг долларга сотди. У ишнинг бир неча йил муқаддам атиги 20 долларга сотиб олган эди, дейилади "korrespondent.net" сайтида.

Хабар берилишича, коллекционер чойнакни синган дастак ва қопқоқсиз ҳолда 2016 йилда аукционда сотиб олган. Унинг тахминан 1766-1800 йилларда ясалгани айтилган. Бироқ харидорда маҳсулотнинг келиб чиқиши бўйича шубҳа уйғонган ва уни экспертларга кўрсатган. Экспертиза чойнакнинг 1763 йилда Англиядан Калифорнияга кўчиб ўтган Жон Бартлем исми кулол ясаганини аниқлаган. Бартлем ясаган буюмлар бозорда камёб саналади. Унинг аввалроқ атиги олти буюми маълум эди.

Чойнак аукционга қўйилганда, унинг нархи 70 минг долларгача чиқиши тахмин қилинган эди. Бироқ яқинда 800 минг долларга сотилди. Чойнак Нью-Йоркдаги Метрополитен музейига омма учун намойишга қўйилди.

Интернет материаллари насосида тайёрланди.

Рангин дунё

ТИЛСИМИ ЕЧИЛМАГАН КЎҲНА ТАМАДДУН

Боливияда — Титикака кўлининг жанубий соҳилидан 15 километр узоқликда қадимий Тиуанако шаҳрининг харобалари жойлашган. Гарчи у маишхурлик борасида Лотин Америкасидаги Теотиуакан, Теночтитлан, Чичен-Ица, Эль-Тахин каби тарихий манзилгоҳлар билан рақобатлаша олмасан-да, бироқ қадимийлиги жиҳатидан улардан асло қолишмайди.


Шаҳар ҳақида жуда кам маълумот сақланган. У қарийб 27 асрлик тарихга эга. Пукин давлатининг маркази бўлган Тиуанако милодий II-IX асрларга келиб, Жанубий Америкадаги йирик шаҳарлардан бирига айланган. Уша пайтларда шаҳарнинг майдони 6 квадрат километр, аҳолиси 40 мингга етган. Шаҳар кейинчалик Тайпикала деб ҳам аталган. У маҳаллий халқ тилида "марказдаги тош" маъносини англатади. Олимларнинг тахмин қилишича, XII асрга келиб Анд тоғлари жойлашган минтақада кескин иқлим ўзгариши натижасида курғоқчилик юз беради ва у қарийб бир аср давом этади. Оқибатда шаҳар аҳолиси бу ерларни тарк этишга мажбур бўлади. Шу билан қадимий тамаддун ҳам таназулга юз тутган.

Бугунги кунда қадимий шаҳар ўрнида харобалар сақланиб қолган, холос. Улардан бири — Акапана эҳроми. У нафақат Тиуанако, балки мамлакатдаги энг қадимий тарихий ёдгорлик саналади. Эҳромнинг чуққисиде ҳовуз, иншоотнинг ичида эса синиқ чиқиқ шаклида қурилган сув ўтказгич ўрин олган.

Бироқ улардан нима мақсадда фойдаланилгани маълум эмас.

Эҳромдан шимолроқда Каласасайя ибодатхонаси жойлашган. Иншоот йирик тошлардан (айримлари 40 тонна келади) тўғри тўртбурчак шаклида қурилган. Унда астрономик кузатувлар олиб борилгани тахмин қилинади. 1960 йилда амалга оширилган таъмирлаш ишларидан сўнг ибодатхона қайта тикланган. Иншоот ўша давр даражасидаги коммуникация воситалари билан таъминланган. Мисол учун, унинг деворларига одамларнинг қулоқлари шаклида тирқишлар ҳосил қилинган бўлиб, бу муайян масофа оралиғидаги оломоннинг овозини эшитиб туриш имконини беради.

Тиуанаколиклар қуёшга топингани боис ялтираб кўринадиган нарсаларга ҳам илоҳий буюм сифатида қараган. Хусусан, олтинни қуёшнинг ҳосиласи деб ҳисоблаган. Шунинг маъсули ўлароқ, Каласасайя ибодатхонасининг ички қисмида "Қуёш дарвозаси" (испанчада Puerta del Sol) деб аталадиган тошдан барпо этилган ёдгорлик ҳай олган



бўлиб, у тарихий мажмуанинг сир-синоатга бой объектларидан саналади. Унинг оғирлиги 44 тонна, баландлиги 3, эни 4 метрни ташкил этади. Тош дарвоза ташқи томондан турли белги ва рамзалар билан безатилган. Юқори қисмида чизилган расмда қуёш инсон кўринишида тасвирланган. Икки қўлидаги таёқ ҳокимият рамзи саналади. Пастки қисмида эса ўн икки ойдан иборат тақвим ўрин олган. Олимлар ундан йил ҳисобини юритишда фойдаланилган, деб тахмин қилмоқда.

Каласасайя ибодатхонасининг ғарбий томонида жойлашган, "Ой дарвозаси" деб номланган арка "Қуёш дарвозаси"га қараганда

кичик бўлиб, баландлиги 2 метрдан зиёд.

Перулик тарихчи ва ёзувчи Гарсиласо де ла Вега (1539-1616) мазкур тарихий мажмуа ҳақида шундай ёзган: "Буни тасаввур қилиш жуда мушкул. У шундай йирик ва кўп сонли тошлардан қурилганки, ҳиндулар қандай қилиб уларни қазиб олгани, бу ергача қай тарзда олиб келгани ҳамда бир-бирига шу қадар аниқликда териб

чиққани кишини ханузгача ҳайратга солади". Дарҳақиқат, иншоотлардаги тошлар шу қадар зич терилганки, улар орасига ҳатто тиг сиймайди. Тошлар шаҳардан 80 қақирим узоқликда жойлашган қондан маҳаллий аҳоли қурган каналлар орқали усти очиқ юк кемаларда ташиб келинган. Улар тўфонлар воситасида каналнинг сув сатҳини кўтариш ҳамда тушириш илмидан хабардор бўлган. Бугун ҳатто Панама каналда ҳам ушбу қонун-қоидага амал қилинади.

2000 йилда Тиуанако шаҳри харобалари ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Ш. ВОҲИДОВ

Хунармандларимиз

МОМОМЕРОС АНЪАНАЛАР БАРДАВОМ

Каштачиликнинг Шахрисабз мактаби дунёга машҳур. Матоларда акс этган фусункор нақшлар, бежирим гуллар, турли шаклдаги чизгилар кўзни қувнатади, дилни яйратади.



Бу қадим юртда момомерос анъаналарни давом эттириб келаётган моҳир хунарманд Ойжамол Сатторова тикаётган кашталарнинг ҳам харидори кўп.

— Момом моҳир каштачи эди, онам билан кеча-кундуз кўз нурини тўкиб, қалб кўрини бериб ишларди, — дейди Ойжамол опа. — Эсимни танибманки, уларнинг ёнидан нари жилмасдим. Қўлимга игна тутқазган ҳам, меҳнатга муҳаббат уйғотган ҳам шулар. Айниқса, момоннинг ўғитлари ҳамон қулоғим остида жаранглаб туради. Эндиликда минг машаққат билан тикилган каштачилик маҳсулотлари тайёр бўлганида бир қувонсам, улар халқимизнинг яхши кунларида ишлатилаётганини кўриб, яна бир фахрланаман.

Ҳа, Ойжамол Сатторова каштачиликда учинчи авлод вакили. Улуғ анъанани собитқадамлик билан давом эттириб келаётган моҳир хунарманд каштачиликнинг ироқи ва попурилик йўналишида турфа намуналар яратди. Бундан ташқари у дўппи, сўзана, аёллар сумкаси, ёстиқ жилдлари, халат, келин куйлақлар, телефон ва чойнак ғилофлари каби ҳам миллийлик, ҳам замонавийликни ўзида мужассам этган чинакам санъат намуналарини тайёрламоқда. Улардаги нафислик, нозик дид ва бежиримлик кишини ўзига мафтун этади. Ўзгача иштиёқ билан ишланган ҳар бир мато ва буюмда жилоланган санъатни кўрган киши борки, беихтиёр хунарманд меҳнатига таҳсин айтади. Инсоннинг қўли гул эканлигига яна бир бор амин бўлади.

Ойжамол Сатторова ҳозирга қадар қарийб 400 нафарга яқин шоғирдлар тайёрлаган. Айни пайтда моҳир хунарманд кўлида 24 хотин-қиз каштачилик ва попурилик сирларини кунт билан ўрганмоқда.

— Устозимиз ҳар биримиз билан алоҳида-алоҳида, кунт билан матога нақш ту-

ширининг нозик сирларини ўргатиши маҳсулотларимизнинг сифати ва салмоғи ортшига хизмат қилмоқда, — дейди унинг шоғирдларидан бири Маҳбуба Муҳаммадиева. — Бу бизни янада изланишга, кўпроқ ишлашга ундамоқда. Талабчан устозимиз нафақат хунар сирларини ўргатади, балки ҳаётини масалаларда ҳам бизга кўмакдош ва маслаҳатдош.

Ойжамол Сатторова каштачилик ва попуриликда шоғирдлар тайёрлаш барида 14 хотин-қизни доимий иш билан таъминлаган. Улар гулдаста, атиргул, тўртгул, узмагул, босмагул ва попури кашталари, шунингдек, турли мато ва буюмлар, бир-биридан бежирим миллий либос ва куйлақлар тикиб, ўз маҳсулотларини республикамизнинг турли ҳудудларидаги мижозларга етказиб беришаётир. Шахрисабзга ташриф буюрувчи хорижий сайёҳлар, айниқса, улар тайёрлаётган каштадўзлик маҳсулотларига катта қизиқиш билдирмоқда. Миллий матоларимизда жо бўлган турфа нақшлар, чизгиларни кўриб, ҳайратларини яширишмаяпти.

Бу санъат намуналарини яратиш ортида қанчадан-қанча меҳнат ва машаққат борлигини ҳис этиб, хунармандларимиз ишига тасанно айтишмоқда.

Мамлакатимизда хунармандчиликни кўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор хунармандлар учун янгидан-янги

имкониятлар эшигини очди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги амалий ишларни янги босқичга кўтарди.

Хунар — хунардан ризқинг унар, дейди доно халқимиз. Ойжамол Сатторова каби ўзининг хунармандлик имкониятларини ишга солиб, изланиш ва меҳнатдан тўхтамаган инсонлар бугун юртда азиз, давлатимиз эъзозиди. Чунки бундай кишилар эл-юрт равнақи учун ҳисса қўшмоқда, унинг бой маданий меросини дунё миқёсида кенг



тараннум этмоқда. Юртни улуғлагани юрт ҳам улуғлайди, деган нақл Ойжамол Сатторовадек хунармандлар мисолида яна бир бор ўз тасдиғини топаётир.

Ақбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши
бош мутахассиси

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

СОЧ НЕГА БАРВАҚТ ОҚАРАДИ?



Ёш ўтган сайин бошимиздаги оқ сочлар кўпайиб боради. Лекин баъзан 20-25 ёшдаги йигит-қизлар сочига ҳам оқ тушиши мумкин. Бу одатда қандай рўй беради?

Соч ранги организмдаги меланин пигменти билан

боғлиқ. Организмда меланин ишлаб чиқарилиши камайганда соч толалари оқара бошлайди. Аслида сочлар ўрта ҳисобда 35-40 ёшдан бошлаб оқаради. Аммо илк оқ соч толалари 20 ёшдан олдин ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бундай пайтда дарров хавотирга тушмаслик керак. Аввал соч оқаришининг сабабини аниқлаш лозим. Чунки бу ички органлардан бирининг фаолияти бузилганидан дарак беради. Сочнинг эрта оқаришига наслий омиллар, организмда оқсил этишмовчилиги, айниқса, оқсил таркибидаги тирозин моддасининг танқислиги, асаб тизимини ёки қалқонсимон без касалликлари, камқонлик, В гуруҳи витаминларига эҳтиёжи, ортиқча даражада қаҳва ва туз истеъмол қилиш, чекиш сабаб бўлади.

Соч оқаришининг олдини олиш мумкин. Бунинг учун авваламбор соғлом ҳаёт тарзига риоя қилиш керак. Меърида ухлаш, иммунитет ва асаб тизимини мустаҳкамлаш организмда меланин моддаси этишмовчилигининг олдини олади. Агар сочнинг эрта оқаришига қалқонсимон без касалликлари сабаб бўлса, энг аввал ушбу касалликни даволаш керак. Шунда соч оқариши ҳам ўз-ўзидан бартараф бўлиши мумкин. Чекишга ружу қўйган одамлар бу зарарли одатдан воз кечиши лозим. Кашандалик оқибатида тўқималар кислоталарга тўйина олмайди ва бу меланин ишлаб чиқаришининг пасайишига олиб келади.

Тўғри овқатланиш ҳам соч оқаришининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. В гуруҳ витаминлари билан бирга рух ва мис минералларига бой озиқ-овқатларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Бундай моддалар сут маҳсулотлари, гўшт, гуруч, гречка, сабзи, апельсин, помидор, жигар, ёнғоқ ва қарам таркибида кўп учрайди.

Баъзилар пайдо бўлган илк оқ соч толасини юлиб ташлайди. Бу умуман нотўғри. "Биттасини юлсанг баттар кўпаяди", деган гапда жон бор. Қолаверса, оқ толалар яна ўсиб чиқади. Оқарган сочларнинг кўпайиб кетишининг олдини олиш учун эса шифокорлар тавсияси билан В гуруҳи витаминларини қабул қилиш зарур.

БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги илк фосфорли гугуртни 1830 йилда 19 ёшли француз кимёгари Шарль Сория иختиро қилган.

ТУРФА ОЛАМ

ПОЕЗД БИР ИЗДА ҲАРАКАТЛАНАДИ



Хитойнинг "CRRC Changchun Railway Vehicles" компанияси қаҳратон совуқларга дош бера олувчи монорельсли (бир изда ҳаракатланувчи), машинист ёррами-сиз ўзи ҳаракатланувчи поездни иختиро қилди, деб ёзади "russian.news.cn".

Поезд доимий магнитларга эга, электр двигателлари 40 даража совуққа ҳам бардош бера олади. У автоматик равишда бошқарилади, ҳаракатланиш тезлигини вазиятдан келиб чиқиб ўзи танлайди. Бундан ташқари, янги поезд одатдаги поездлардан 25 фоизга енгил. Бу энергия истеъмолини 22,7 фоизга камайтириш имконини беради.

Эслатиб ўтамиз, "CRRC Changchun Railway Vehicles" компанияси 2002 йилда ташкил этилган. У темир йўл поездлари ва шаҳарга юришга мўлжалланган транспорт воситаларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Компания ишлаб чиқараётган монорельсли поездлар Хитойда ҳар қуни умумий ҳисобда 1,3 миллиондан кўп йўловчи ташийди.

АВТОМОБИЛНИ ИККИ ТОМОНДАН БОШҚАРИШ МУМКИН

Индонезиялик 46 ёшли Рони Гунаван қарама-қарши томонда жойлашган иккита двигател, иккита рулга эга машина яратди, дейишади "auto.newsru.com" сайтида.



Гунаван "Double-Faces Car" деб номланган бу машинани у аввал такси сифатида фойдаланилган иккита енгил автомобилнинг олд қисмидан ясашга муваффақ бўлди. Машинани иккита ҳайдовчи бошқариши мумкин. Уни ясаш учун 4,8 минг доллар сарфланди. Иختиро муаллифининг айтишича, бу машина ўзига хос кулайликларга эга. Мисол учун, уни керакли томондан бошқариб, тирбанд автотураргоҳлардан осон чиқиб кетиш мумкин.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.


Реклама

AGROBANK

ИСТЕЪМОЛ
— КРЕДИТИ —



МЕБЕЛЬ



МАИШИЙ
ТЕХНИКА



ТЎЙ
МАРОСИМЛАРИ

ВА БОШҚА ИСТЕЪМОЛ
МАҲСУЛОТЛАРИ УЧУН

* КРЕДИТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚЛАРИГА МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР УЧУН АЖРАТИЛАДИ

www.agrobank.uz

тел. (+99871) 203 88 88

/AgrobankChannel

Agrobank Mobile иловасини яқлаб олинг

/agrobankuzbekistan

Download on the App Store

GET IT ON Google Play

Хизматлар лицензияланган

VATAN TUVU'USI HAR NARBADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБЕКОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55. Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47. Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41. Мазнавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73. Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74. Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулда босилди. Қоғоз бичими А-2

"ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқариб, 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 216, Адади — 10024. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод ҒАФФОРОВ

Навбатчи: Исмоилжон ҚУЧҚОРОВ

Саҳифаловчи: Жапониддин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz,

mtkianish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

ЎЗА яқини — 22.46. Топширилди — 23.40.

ISSN 2010-7714

ISSN 2010-7714

ISSN 2010-7714

ISSN 2010-7714

ISSN 2010-7714

ISSN 2010-7714

ISSN 2010-7714

1 2 3 4 5